


БАҲОДИР ХАЛИКОВ

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ



**Б. М. ХАЛИКОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ**

**Илмий-тарихий китоб**

**(1860-1930 йй.)**

**Биринчи китоб**

Тошкент-2022

«Fan ziyosi» нашриёти

UO'S: 633.511:631.4

X - 12

КВК 91.9.88.(Ўзб)

Халиков Б.М.

**ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ** (илмий-тарихий китоб)

– Тошкент, «Fan ziyosi» нашриёти, 2022, 156 бет.

Муаллиф:

**Б.М.ХАЛИКОВ** – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Ушбу китобда юртимиз пахтачилигининг узок ўтмиш тарихи, пахтачилик илмида дастлабки ташланган қадамлар, илк тадқиқотлар ҳамда пахтачиликни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий тармоқлар қаторидан ўрин олиши билан боғлиқ тарихий далиллар асосида таҳлил қилинган маълумотлар ўрин олган.

Китоб илмий тадқиқот институти олимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, университет, институт, қишлоқ хўжалиги техникум ўқитувчи ва талабалари, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

**А.Э.РАВШАНОВ** – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Тақризчилар:

**Ж.Х.АХМЕДОВ** – биология фанлари доктори, профессор

**М.А.АВЛИЁҚУЛОВ** – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Мазкур китоб Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Илмий Кенгашининг 2022 йил 17.06 даги № 4-сонли баённомаси қарорига биноан чоп этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-747-74-6

© Халиков Б.М.

© «Fan ziyosi» нашриёти, 2022

*Мозийга қайтиб  
иш кўриш хайрликдир.  
А. Қодирий.*

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги натижасида соҳада салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим стратегик дастурларни ишлаб чиқилгани ва амалиётга кенг жорий этилаётганлиги ўзининг юксак самарасини бермоқда. Буни қишлоқ хўжалигида эришилаётган салмоқли натижалар ва кўрсаткичларни барқарор ўсиш суръатларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини, жумладан, пахтачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, соҳа олимларига кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги, кластерлар, кооперациялар ва ишлаб чиқаришнинг бозор иқтисоди ва ўзи-ўзини бошқаришга мўлжалланган иш юритиш шакллари жорий этилиши ва уларда кўрсаткичларни ўсиб бориши қишлоқ хўжалигини ривожланишида ижобий таъсир доирасини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ

хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмларини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган [1;2;3].

Пахтачилик кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, бугунги кунда ғўза дунёнинг 84 та мамлакатада, жами 33-34 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 25 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилади. Жумладан, республикамызда ҳам ҳар йили 1050-1060 минг гектар майдонда ғўза парвариш қилиниб, 3,3-3,4 млн тонна пахта хом-ашёси етиштирилади.

Кейинги йилларда республикамызда пахтачилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида соҳада жуда юқори даражадаги ижобий муҳит кузатилмоқда. Ишлаб чиқаришда мулкчиликнинг янги, истиқболли шакллари кластер ва кооперацияларнинг шакллантирилиши мулкка эгалик қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Эндиликда, Ўзбекистон пахта хом-ашёси ишлаб чиқарувчи аграр мамлакатдан пахтани қайта ишлаш, тайёр маҳсулот тайёрлаш ва харидорга етказиб берувчи тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишга интиломда.

Айтиш керакки, пахтачилик фани ўтган юз йилдан ортиқ вақт давомида жуда улкан марраларга эришди.

Пахтачилик фанининг тараққий этиши умумий деҳқончилик маданиятини ортиши, мамлакатимизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларига мос, касаллик ва зараркундалар, табиатнинг турли экстремал шароитларига (гармсел, тупроқ шўрланиши, курғоқчилик ва х.к) бардошли, тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратилиши, уруғчилик ишларида ғўза навларининг қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш, уруғлик сифатини ошириш, нав тозалигини талаблар даражасида сақлаш ва назорат қилиш каби зарурий тадбирларни ривожлантирилиши, мамлакатимизнинг ўзгарувчан иқлимида ҳар бир тупроқ иқлим шароитига мос ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг мажмуий агротехикасини ишлаб чиқирилиши, асосийси, шу соҳада фаолият юритган ва юритаётган олимларимизнинг фидокорона меҳнатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўтган вақт давомида республикамызда ғўзанинг ўртача ҳосилдорлиги 11-12 ц/гадан 30-32 ц/га ортиши, селекционер-генетик олимларимизнинг изланишлари натижасида республикамызда пахта толаси чиқимини 28-32 фоиздан 37-40 фоизгача, узунлигини 26-28 мм дан 33-35 мм гача, бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазнини 4,0-5,0 граммдан 6,5-9,0 граммгача оширишга эришилиши Мамлакатимизнинг пахта етиштирувчи давлатлар орасида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлади.

Мазкур китоб юртимиз пахтачилигининг узок ўтмиш тарихи, пахтачилик илмида дастлабки ташланган қадамлар, илк тадқиқотлар ҳамда пахтачиликни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий тармоқлар қаторидан ўрин олганлиги тўғрисида бўлиб, китобхонларга манзур бўлади деган умиддаман.

Ушбу китоб учун манбалар топиш ва таҳлил қилишда кўпгина архив материаллари ҳамда кутубхоналар хизматидан фойдаланишга тўғри келди.

Китобнинг шаклланишида беминнат ёрдамларини аямаган Республика қишлоқ хўжалиги илмий кутубхонаси раҳбарияти ва ходимларига, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПАХТАЧИЛИК ИЛМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Республикамызда пахтачилик илмини тараққий топишида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти олим ва мутахассисларининг хизматлари беқиёсдир.

Ўза селекциясида турли тупроқ ва иқлим шароитларига мос, экстремал шароитлар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, толасининг сифати жаҳон андозалари талабларига мос бўлган навларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, ўза уруғчилиги илмида янги стандартларни ишлаб чиқиш, уларни пахтачилиги ривожланган мамлакатлар андозаси даражасига етказиш, ўза агротехникаси илмида турли тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, янги яратилган навлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникасини ишлаб чиқиш ҳамда навларни жойлаштириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда институтда жаҳоннинг 107 мамлакатидан келтирилган ўзанинг ёввойи, ярим ёввойи ва маданий шакллари ҳамда маҳаллий нав намуналаридан ташкил топган жами 12800 га яқин генофонд намуналарини ўзида жамлаган дунёда етакчи бўлган ўза коллекцияси генофонди мавжуд. Ушбу намуналарни тирик ҳолда сақлаш асосида “Фитотрон” иссиқхона мажмуасида мунтазам равишда экиб, жонлантириб борилмоқда ва ноёб белгиларга эга бўлганлари амалий селекция жараёнига жалб қилинмоқда.

Айни вақтда институтдаги ғўза коллекциясида асосан АҚШ, Мексика, Ҳиндистон, Хитой, Австралия, Миср, Бразилия, Исроил, Перу, Покистон, Эрон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистондан (жами дунёнинг 107 та мамлакатидан) тўпланган *G.hirsutum* L. (8362 та), *G.barbadense* L. (2046 та), *G.arboreum* L. (600 та), *G.herbaceum* L. (636 та) турларига мансуб навлардан ҳамда ёввойи, ярим ёввойи шакллардан (414 та) ташкил топган намуналар сақланмоқда. Ушбу намуналарнинг чигитлари ҳар 8-10 йилда бир марта янгиланиб келинмоқда. Ёввойи *G.thurberi*, *G.trilobum*, *G.lobatum*, *G.laxum*, *G.barbosanum*, *G.tomentosum*, *G.nilsonii*, *G.klotzchianum*, *G.raimondii*, *G.incanum*, *G.gossypoides*, *G.longicalyx*, *G.darvinii*, *G.davidsonii*, *G.bickii*, *G.australe*, *G.sturtianum*, маданийлаштирилган турларнинг ярим ёввойи *palmeri*, *richmondii*, *punctatum*, *marie-galante*, *morilli*, *africanum*, *jucatanense*, *latifolium* каби шакллари “Фитотрон” иссиқхона мажмуасида тирик ҳолда сақланиб, парваришлаб келинмоқда.

Янги ғўза навлари селекцияси ва уруғчилиги бўйича институт ва унинг илмий тажриба станцияларида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур изланишлар ғўзанинг серҳосил, тезпишар, тола сифати жаҳон андозалари талабларига мос бўлган ҳамда турли тупроқ-иқлим ва экстремал (*шўрланиш*, *гармсел ва сув танқислиги*) шароитларига, турли касалликлар (*вертициллёз ва фузариоз сўлиш*, *илдиз чиршиш*, *гоммос ва бошқалар*), зараркунандаларга (*трипс*, *шира*, *ўргимчаккана ва бошқалар*) бардошли янги ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилган.

Сўнгги йилларда экологик муҳитнинг ўзгариши, жумладан, сув танқислиги ва тупроқнинг шўрланиш даражасини ортиб бориши ушбу омилларга чидамли қишлоқ хўжалик экинлари навларини яратишни тақозо этмоқда. Бу йўналишда институтдаги ғўза генофонди намуналаридан, жумладан ёввойи, ярим ёввойи ва маданий шаклларни дурагайлаш орқали сув танқислиги ва тупроқ шўрланишига бардошли бўлган донорларни ажратиш ва яратишнинг назарий ҳамда амалий услублари ишлаб чиқилди.

Яратилган селекцион ашёларнинг сув танқислиги шароитида, сизот сувлари 15-20 м чуқурликда бўлган, шунингдек, тупроғи шўрланган ҳамда суғормасдан ва оқова сувлардан фойдаланиладиган шароитларда ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сув танқислиги ва шўрланган шароитларда ўтказилган тадқиқотлар асосида тезпишарлиги 103-120 кун, бир дона кўсакдаги пахта хом-ашёси вазни 5,5-8,0 г, тола чиқими 38-41%, тола узунлиги 34-36 мм (1,17-1,40 дюйм), микронейр кўрсаткичи 3,6-4,5 ҳамда юқорида келтирилган ноқулай шароитларга мажмуий бардошли нав, тизма ва донорлар яратилди.

Институтда ғўзанинг бошланғич авлодларида вилтнинг вертициллиум ва фузариум замбуруғлари турли популяцияларига комплекс бардошли, тезпишар, серҳосил, юқори тола чиқими ва сифатига эга бўлган трансгрессив, гомозигот генотипларни биокимёвий ва молекуляр тестлар асосида аниқлаш натижасида селекция жараёнини 3-5 йилга қисқартириш имкониятини берувчи янги услубни ишлаб чиқиш, маркер селекцияси асосида тола миқдори ва сифати юқори, тезпишар, маҳсулдор, муҳитнинг айрим

биотик ва абиотик омилларига бардошли селекцион ашёларини яратиш, геном ва кимёвий технологияларни қўллаш йўли билан сўрувчи зараркунандаларга ва касалликларга бардошли ҳамда тезпишар, маҳсулдор, юқори тола сифати ва микдорига эга, сув танқислигига чидамли бўлган ғўзанинг янги навларини тезкор суръатда яратиш каби долзарб йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида институтда жами 250 дан ортиқ ўрға ва ингичка толали ғўза навлари яратилди, шулардан 41 та ғўза навлари районлаштирилди, 50 дан ортиқ навлар эса Республиканинг турли вилоятлари учун истиқболли ғўза навлари қаторига киритилди. Давлат нав синовида ҳар йили 7 тадан ортиқ янги ғўза навлари асосий хўжалик ва морфобиологик белгилари бўйича синаш учун топширилмоқда ҳамда уларнинг дастлабки уруғчилик ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, ғўзанинг “Наманган-1” ва “Фарғона-3” навлари (1992 йил), “С-6530” нави (1993 йил), “Наманган-77” нави (1994 йил), “С-6532” нави (1998 йил), “Термиз-31” нави (1998 йил), “Андижон-33”, “Омад” ва “Хоразм-126” навлари (1999 йил), “Оқкўрғон-2” ва “Оқдарё-6” навлари (2000 йил), “С-2609” ва “Хоразм-127” навлари (2002 йил), “Сурхон-9” нави (2004 йил), “Андижон-35” ва “Бухоро-102” навлари (2006 йил), “Бухоро-8” нави (2007 йил), “Наманган-34”, “С-6541”, “Хоразм-150” ва “Андижон-36” навлари (2009 йил), “Султон” нави (2011 йил), “С-6775” ва “Ибрат” навлари (2013 йил), “С-8284” нави (2014 йил), “С-6550” нави (2015 йил), “Истиқлол-14”, “Наманган-102” ва “Пахтакор-1” навлари (2016 йил), “С-8286” нави

(2018 йил), “С-8290” нави (2019 йил), “С-8294” нави (2020 йил)лари районлаштирилди.

“Турон” нави (2002 йил), “С-9076” нави (2008 йил), “С-2610”, “Сурхон-14” навлари (2009 йил), “Наврўз”, “Ўнкўрғон-1”, “Жайхун” навлари (2011 йил), “С-8286”, “С-2510”, “Тўрақўрғон-4”, “Парвоз” навлари (2012 йил), “С-8290”, “С-9085”, “С-6545”, “Жарқўрғон”, “Ўнкўрғон-2” навлари (2013 йил), “Тулистон” ва “С-8294” (Гурлан) навлари (2016 йил) истиқболли навлар сифатида Давлат реестрига киритилди.

Ақунланган ишланмаларга патент олиш учун талабномалар топширилди. Институтда селекция ютуқлари ҳамда фойдали моделларга 112 та патент олинган. 2020 йилда 5 та ғўза навларига (“СП-7303”, “С-9090”, “Зарафшон”, “С-278”, “СП-7302”), 2021 йилда ғўзанинг янги “Сурхон-18” (NAP 00333) “Манғит-1” (NAP 00334), “С-7305” (NAP 00340), “С-7307” (NAP 00341), “С-5707” (NAP 00342), “С-5706” (NAP 00343), “Камолот-79” (NAP 00344), “С-6779” (NAP 00346), “С-2120” (NAP 00347), “С-6778” (NAP 00348), “ССБ-Кластер-1” (NAP 00349), “Манғит-2” (NAP 00350), “СП-40” (NAP 00354), “СП-41” (NAP 00355), “ЎзПИТИ-203” (NAP 00356), “С-6602” (NAP 00358), “С-6601” (NAP 00359), “Сурхон-105” (NAP 00360), “С-6585” (NAP 00361), “СП-204” (NAP 00365) навларига Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал Мулк Агентлиги томонидан Давлат Реестрига киритилди ва 20 та патент олинди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда селекционер олимлар томонидан “Сурхон-103”, “Сурхон-104”, “Сурхон-105”, “Сурхон-107”, “Сурхон-111” каби ғўзанинг ингичка толали навлари яратилди.

Сурхондарё вилояти учун 2018 йилдан “Термиз-202” нави, 2020 йилдан “Сурхон-103” нави истиқболли нав сифатида районлаштирилди. “Сурхон-103”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16” навлари уруғчилигини кўпайтириш учун 2020 йилдан бошлаб жами 224 га майдонга эга бўлган 4 та элита уруғчилик хўжаликлари ташкил этилди.

Ўза уруғчилиги соҳасида ўта тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тола сифати юқори бўлган ўза навлари уруғларини тайёрлашнинг замонавий услублари ишлаб чиқилди. Ўзанинг дастлабки уруғчилиги бўйича ишлар такомиллаштирилди, уларни саралаш, дорилаш, қадоқлаш ва уруғчилик фермерларига сотиш тизими яратилди. Натижада уруғлик сифати янада яхшиланди, таннархи камайди.

Институт ва илмий тажриба станциялари ҳамда ўза навларининг дастлабки уруғчилиги бўйича хўжаликларида янги ўза навларининг бирламчи уруғчилигини ривожлантириш борасида ҳам ишлар олиб борилиб, бугунги кунда 60 дан ортиқ районлашган, истиқболли ва янги ўза навларининг суперэлита ва элита уруғлари етиштирилмоқда.

Уруғшунослик соҳасида нанополимерлардан хитозан, Узхитан, КМЦ, нанохитозан, наноУзхитан, наноКМЦ ҳамда маҳаллий перепаратлардан кенгроқ фойдаланиш имконияти яратилди.

Хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги препаратлар ўсимликларга касаллик ва зараркунандаларга нисбатан юқори чидамлилик бериши ҳамда ҳосилдорликни оширишга ёрдам берадиган табиий иммуномодуляцион хусусиятлари аниқланди.

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб нанотехнологияларга асосланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси шароитида юқори самара берган нанопрепаратларни қўллаш орқали ижобий ва иқтисодий натижаларга эришилди.

Бундан ташқари, ўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехникаларини ишлаб чиқиш соҳасида ҳам бир қатор эътиборга молик ишланмалар яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва оширишга қаратилган қишлоқ хўжалик экинларини янги алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимлари ишлаб чиқилди. Республиканинг Марказий, Жанубий ва Шимолий вилоятлари тупроқ иқлим шароитлари учун республикада асосий экинлар ҳисобланган ўза ва бошоқли-дон экинларига мақбул ўтмишдош бўладиган 20 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, дуккакли-дон экинларидан соя, мош, ловия, ерёнғок, бошоқли-дон ва дуккакли экинлардан кузги буғдой, жавдар, тритикале, сули, перко, рапс, кўк нўхат, эспарцет, клевер, сабзавот экинлардан помидор, карам, картошка, сабзи, пиёз, техник экинлардан қанд лавлаги, хашаки лавлаги каби экинлар асосий, такрорий ва оралиқ экинлар сифатида илмий асосланиб, қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига киритилди.

Турли тупроқ иқлим шароитларига мос қанд лавлагидан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникаси ишлаб чиқилиб, қанд лавлаги қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига киритилди, унинг қишлоқ хўжалик экинларини янги алмашлаб экишдаги ўрни аниқлаб



берилди. Қанд лавлагининг 10 дан ортиқ навлари республиканинг турли тупроқ иқлим шароитларида синаб кўрилиб, юкори ва сифатли ҳосил берувчи навлари танлаб олинди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги бошоқли-дон экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган парваришлаш агротехникалари, Марказий ва Жанубий вилоятлар тупроқ иқлим шароитлари учун қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида дуккакли-дон, дон, мойли, сабзавот ва ем-хашак экинларини парваришлаш ҳамда улардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехникалари ишлаб чиқилди.

Республиканинг Марказий ва Жанубий вилоятлари тупроқ иқлим шароитлари учун қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида парвариш қилинаётган ғўзанинг қатор ораларига чуқур ишлов ҳамда ғўзанинг ўзгарувчан қатор ораларига ишлов бериш агротехнологиялари ўрганилди.

Мамлакатимизнинг Марказий вилоятлари тупроқ иқлим шароитлари учун қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўзадан юкори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологиялари ишлаб чиқилди.

Ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида бир йилда икки марта ҳосил олиш учун тупроққа минимал ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди, ғўза қатор ораларига ғалла экишда донни аниқ экадиган сеялкалар синаб кўрилди ва экиш меъёрлари аниқлаб берилди. Бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларни

йўқотишда асосан агротехник тадбирларни қўллаш натижасида уларнинг сонини 50-70%гача камайтириш ва гербицидларни қўллаш натижасида эса 85-95% гача йўқотиш бўйича самарали илмий натижаларга эришилди.

Ўзбекистонда шамол эрозияси ареаллари, унинг тупроқ ва экинларга зарари, шамол эрозиясига қарши курашда экин пайкалларининг жойлашиши, эгатлар томони, ғўзани тўсадиган тўсиқлар, тупроқни эрозиядан сақлайдиган алмашлаб экиш тизими, ихота ўрмонзорлари конструкцияси, дарахтлар тури, оралиғи, эрозияга қарши кимёвий кураш чоралари, эрозияга чалинган тупроқларда маъдан ўғитларни қўллаш меъёрлари, нисбатлари, қўллаш муддатлари, барханларни фитомелиорациялаш ва кимёвий йўллар билан бекитиш ва бошқа агротехник тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, янги деҳқончилик шароитида қишлоқ хўжалик экинларини субирригация усулида суғориш ишлари илмий исботлаб берилди.

Ўсимликда маъдан ўғитлар қўллашнинг мақбул меъёрлари, маъдан ва маҳаллий ўғитлар қўллашнинг самарали муддат ва усуллари, ўғитлар қўллашнинг техникаси ва усуллари, фосфорли ва калийли ўғитларни агрохимёхарита асосида табақалаштириб қўллаш, минерал ўғитларга талабни аниқлаш бўйича меъёрнома, ғўзанинг тупроқдан озика моддаларини ўзлаштириши ва фойдаланиш коэффициентлари бўйича меъёрий кўрсаткичлари такомиллаштирилди. Маҳаллий хом-ашё ва ресурслардан самарали фойдаланишда республикамизда мавжуд бўлган конлардаги бентонит ва глауконит лойқалари асосидаги компостлардан

фойдаланиш, юқори самара берувчи янги турдаги маъдан ўғитларни қўллаш, ғўзани баргидан озиклантириш каби ресурстежовчи агротехник тадбирлар ишлаб чиқилди.

Селекционерлар томонидан яратилган 20 дан ортиқ ғўза навларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар тупроқ-иқлим, мелиоратив, гидрогеологик шароитларга мос, тешпишар, серҳосил, пахта толаси ва чигит сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини парваришlash агротехникалари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Ќўза ва ғўза мажмуидаги экинларда 30 дан ортиқ ўсишни созловчи моддаларни қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрлари аниқланди, самарали таъсир этувчи стимуляторлар синовдан ўтказилиб, уни қўллаш технологияси амалиётга жорий этилди.

Турли тупроқ ва иқлим шароитларида ғўзадан эртаги, юқори ва сифатли ҳосил олиш етиштиришда ғўза навларининг физиологик ва биологик хусусиятлари, турли тупроқ-иқлим шароитларида дефолиантлар самарадорлиги ҳамда уларни қўллаш муддат ва меъёрлари ўрганилди.

Ќўза ва ғўза мажмуига кирувчи экинларни ресурстежовчи суғориш технологиялари, жумладан, ғўзани томчилатиб, полиэтилен кувурлар ва сифонлар орқали, эгатлар орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб экранлаштириб ҳамда кузги бугдой сомони билан мульчалаб суғориш, ғўзани эгатлар орқали навбатлаб суғориш усул ва технологиялари ўрганилди. Томчилатиб суғориш усулида лазер нури билан нурлантирилган ва электромагнит ҳамда карбонат газини билан фаоллаштирилган сув билан экинларни суғориш усули ишлаб

чиқилди. Тупроқ намлигини ўлчашнинг тезкор усуллари, тупроқнинг сўрувчи босимини ўлчайдиган тензиометр ва нейтронли нам ўлчагичлардан фойдаланиш асослари такомиллаштирилди.

Таъкидлаш керакки, илмий соҳаларда эришилган муваффақиятлар ва олинган илмий натижалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кенг қўламда жорий этилмоқда.

Жумладан, институт селекционер олимлари томонидан яратилган ғўза навлари республикамизнинг қарийб 958,0 минг гектар, яъни пахта етиштириладиган майдоннинг 90-92%ига экилмоқда, шундан 20,6 минг гектарини ингичка толали ғўза навлари ташкил этади.

Олимлар томонидан яратилган 60 дан ортиқ ғўза навларидан республикамизнинг элита уруғчилик хўжаликларида республикада чигитга бўлган эҳтиёжни таъминлайдиган даражада юқори авлодли уруғликлар етиштирилмоқда. Кейинги йилларда тайёрланган мазкур уруғликларнинг бир қисми пахта етиштирувчи давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тупроқ унумдорлигини сақлайдиган, оширадиган, экинлардан барқарор мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган янги қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимлари республиканинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида ҳар йили 850-900 минг гектар суғориладиган майдонларда жорий этилмоқда.

Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида дуккакли-дон, дон, мойли, сабзавот ва ем-хашак экинларининг парвариш қилиш технологияси

республиканинг суғориладиган 700-800 минг гектар майдонида жорий қилинмоқда.

Республиканинг ғўза парвариш қилинадиган майдонларининг 300-350 минг гектарида ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш технологияси амалга оширилмоқда.

Тупроққа минимал ишлов бериш технологияси асосан кузги буғдой анғизига такрорий экинлар экишдан олдин қўлланилиб, республиканинг 350-400 минг гектар такрорий экин экиладиган майдонларида қўлланилмоқда.

Бегона ўтларни йўқотишда гербицидлардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда чигит экиладиган майдонларнинг қарийб 60-70%ига (550-600 минг гектар) олимлар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида гербицидлар қўлланилмоқда.

Ўза парваришида янги турдаги калийли ўғитларни қўллаш технологияси 450-500 минг гектар, ғўзада суспензия қўллаш технологияси 550-600 минг гектар, маҳаллий фосфоритлардан тайёрланган фосфорли ўғитларни қўллаш 650-700 минг, глауконит ва бентонитлардан фойдаланиш 200-250 минг, органико-минерал ўғитларни қўллаш технологияси эса 25 минг гектар майдонда жорий этилмоқда.

Ўтган 2017-2021 йиллар давомида ғўза ва ғўза мажмуига кирувчи экинларни ресурстежовчи суғориш технологиялари асосида суғориш тизими кенг жорий этилди. Мазкур йилларда ғўзани томчилатиб суғориш 290,3 минг, ёмғирлатиб суғориш 13,5 минг, дискрет суғориш 10,6 минг, эгилувчан кувур ва сифонлар орқали

суғориш 299,7 минг, эгатлар орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб экранлаштириб суғориш 92 минг гектар майдонда жорий этилди.

Ўза ва ғўза мажмуидаги экинлар парвариш қилинаётган 1 млн.гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ўсишни соловчи стимуляторлар мақбул муддат ва меъёрлар асосида жорий этилмоқда.

Турли тупроқ ва иқлим шароитларида ғўзадан эртаги, юқори ва сифатли ҳосил олиш етиштиришда ғўза навларининг физиологик ва биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, турли тупроқ-иқлим шароитларида 900-950 минг гектар ғўза майдонлари институт олимлари тавсиялари асосида дефолиация қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам институтнинг кўп сонли илмий жамоаси томонидан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан:

-жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган замонавий усул ва технологиялардан фойдаланган ҳолда сув танқислиги ва шўрга чидамли, комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган янги

Марказий Осиёда пахтачилик билан қадим замонлардан бўён  
Марказий Осиёда узок асрлардан бўён маҳаллий "қора тўза", "магила  
тўза" ва "қизил пучок" номларида юритилган тўзадан фойдаланиб  
Эрамиздан олдинги IV асрда Искандар Мақдуний қўшнларни

### РИБОЖЛАНИШИ ТЎРКИСТОН ҲАҚИДА ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИНИ

тўза навларини яратиш ҳамда селекцияда бирламчи материалларни  
танлаб олиш самарадорлигини ошириш;  
-ўта тезпишар, серхосил, касалик ва зараркунадларга  
чидамли, тола сифати юқори бўлган тўза навлари уруғларини  
таёйрашнинг янада замонавий услубларини ишлаб чиқиш,  
уруғчилик хўжалиқларида тўза навларининг бирламчи  
уруғчилигини ривожлантириш бўйича ички ва ташқи бозор  
талабидан келиб чиққан ҳолда тўза уруғчилиги ва уруғшунослик  
соҳасини такомиллаштириш;  
-турли худудлар паровигада тўза навларидан юқори ва сифатли  
хосил етиштиришда навларнинг биологик хусусиятларидан унумли  
фойдаланиш имконини берувчи самарали ва тежамкор  
агротехнологияларни яратиш борасида кенг қўлланли илимий  
тадқиқот ишлари амалга ошириш шулар жумласидандир  
Пахтачилик фанини кейинги 100-120 йил ичида улкан ютуқларга  
эришганлигини мазкур китоб аввалида қисқача баён этилган эди.  
Ана шу ютуқлар замирида халқимизнинг заҳматли ва машаққатли,  
Китобнинг кейинги саҳифаларида ана шулар тўғрисида суз  
юритилди.

Хиндистонга юриш қилганда, Марказий Осиёда пахта етиштирилиб,  
ундан мато тўқилишининг тўвоҳи бўлишган. Хитойнинг тарихий  
манбаларидан маълум бўлишича, эрамиздан олдинги II асрда  
Фарона волисида жуда кўп шахар ва қишлоқлар бўлган, ерли  
аҳоли деҳқончилик ва тўқимачилик билан шуғулланган. Ўзбекистон  
Фанлар академияси Археология институтининг профессори  
Ю.А.Заднеповский раҳбарлигида Чустда олиб борилган қазилмалар  
чоғида мато қийқимлари топишган. Бу мато эрамиздан олдинги X  
асрда тўқилган. Хоразмдаги Тупроққалъа академик С.П.Толстов  
раҳбарлигида бир гурўша археологлар томонидан текширилганда  
топилмагач орасида VI—VII асрларга оид пахта ашёси ва пахталик  
чопон парчаси топишган. X асрда яшган араб географларининг  
қўлёзма маълумотларида қараганда, Марказий Осиё халқлари  
пахтадан тўқилган турли газлама ва хотин-қизлар ўрайдиган нафис  
рўмоллар Мари, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарона, Тошкент,  
Чимкент шаҳарларидан қўшни давлатларга чиқарилган. XVI—XVII  
асрларда Марказий Осиё хонлиқлари Москва давлати билан савдо-  
сотик муносабатларини тиклаганларидан кейин, у ерда бошқа савдо-  
сотик моллари қатори ип-газлама, пахта толаси ҳам чиқариб  
тўрилган.  
Умуман олганда, тўза ўсимлиги Марказий Осиёга жуда қадим  
замонлардан, милоддан аввалги IV асрда қириб келган.  
Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси ва имидлиги дастлабки  
қадмалар XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. Бунга қадар  
Марказий Осиёда узок асрлардан бўён маҳаллий "қора тўза", "магила  
тўза" ва "қизил пучок" номларида юритилган тўзадан фойдаланиб

келишган. Мазкур навларнинг тола узунлиги 17-19 мм, пахтасининг ранги қизғишроқ бўлиб, чигити майда, чаноклари бошқа ғўза навларига нисбатан кўп бўлган. Шунингдек, ушбу навларда очилган пахталар чаноклари билан териб олинган ва кейин қўл кучи ёрдамида пахта чанокдан ажратиб олинган. Ҳақиқатда маҳаллий ғўза навлари орасида Хива хонлигида етиштирилган пахта ўзининг сифати ва майинлиги жиҳатидан устунлик қилган. Толасининг узунлиги 20 мм бўлиб, ранги оқ рангда бўлган. Хива пахтаси Америка ғўза навларидан қолишмаган, аммо ҳосилдорлиги жуда паст бўлган. Тошкент, Фарғона водийси ва Бухорода етиштирилган ғўза навлари бир-биридан унчалик фарк қилмаган. Аммо, Бухоро пахтаси бирмунча сифатли ва толаси узунроқ бўлган. Мазкур барча маҳаллий навларда чаноклар тўла очилмаган, бироқ сувсизликка чидамли бўлган.

Таъкидлаш керакки, ўша даврларда Чор Россияси енгил саноати учун пахта хом-ашёси Америка Қўшма Штатларидан катта ҳаражатлар эвазига келтирилди, йўлнинг узоклиги ва бошқа сабаблар пахтани мунтазам ва меъёрида етказиб келишнинг ҳамма вақт ҳам иложи бўлмас эди. Шундан келиб чиқиб, Чор Россияси Туркистон ўлкасининг тупроқ-иқлим шароити пахта етиштиришга қулай эканлигини эътиборга олиб, пахтачиликни ривожлантириш бўйича бутун эътиборини Туркистон ўлкасига қаратди.

Чор Россияси Туркистон ўлкасида фаолиятини бошлаган даврларда дастлабки тадбир сифатида ўлкада етиштирилаётган ғўза навларини тўқимачилик саноати учун бир қатор камчиликлари

борлигини ҳисобга олиб, Америка навларини ўлкада иқлимлаштиришга қаратди.

Манбаларда келтирилишича, XIX асрнинг ўрталарида Бухоролик савдогар Х.Сайидумаров Россия орқали Америка ғўза навини Бухорога келтириб экан. Кейинчалик 1868-1869 йилларда Тошкент, Хўжанд ва Самарқандда Америка ғўза навларини Ҳожиюнусов ва Спиридоновлар иқлимлаштиришга ҳаракат қилиб, нисбатан юқори ҳосил етиштиришган [5].

Шулардан келиб чиққан ҳолда Чор Россияси биринчи навбатда Америка ғўза навларини Туркистон ўлкасида иқлимлаштиришга қаратилган чора тадбирларни амалга оширди.

Ҳақиқатда, аниқроғи 1860-1865 йилларда Чор Россияси ҳар йили жами 3.088.285 пуд<sup>1</sup> (50647 тонна) пахтани импорт қилган. Шундан 2.449.043 пуд (40164 тонна) пахта Европа мамлакатларидан, қолган 639.242 пуд (10483 тонна) пахта Шарқ мамлакатларидан, шундан 408.703 пуд (6702 тонна) пахта ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан олиб келинган.

Таъкидлаш керакки, Чор Россиясининг чет эллардан пахтани импорт қилиши Европа давлатлари флоти ва темир йўллари орқали олиб кирилганлиги сабабли жуда қимматга тушган.

<sup>1</sup> 1 пуд = 16,4 кг.га тенг.

Олинган маълумотларга кўра, [5] Туркистон ўлкасининг асосий пахта майдонларида асосан ғўзанинг 7 та нави экилган бўлиб, шулардан иккитаси маҳаллий, бештаси Америка навлари бўлган. Навлар орасида бир десагина майдондан ўртача ҳосилдорлик 63-113 пудни (9,5-17,0 ц/га) ташкил этиб, нисбатан юқори ҳосилдорлик

“Кинг” ва “Онк-балле” навларида кузатилиб, тегишли равишда 113; 109 пуд (17,0; 16,4 ц/га)ни ташкил этган. Маҳаллий нав “Кўк чигит”дан эса 99 пуд (14,9 ц/га) ҳосил олинган. Навлар ўртасида нисбатан энг кам ҳосилдорлик (63 пуд; 9,5 ц/га) “Малла чигит”да аниқланган.

1-жадвал  
1875-1890 йилларда ҳозирги Ўзбекистон худудида экилган ғўза навлари, ҳосилдорлиги ва сифати (Ҳ.Зиёев маълумотлари)

№	Ғўза навлари	Олинган умумий ҳосил		Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм
		пуд/десятина	ц/га		
1	Кўк чигит	99	14,9		
2	Кинг	113	17,0	31,8	19,5
3	Онк-балле	109	16,4	33,7	21,0
4	Петер	73	10,1	31,2	21,7
5	Навкинс	91	13,7	33,3	20,0
6	Руссель	76	11,4	33,2	23,0
7	Малла чигит	63	9,5	32,7	22,7
				30,8	17,5

Тола сифати бўйича олинган маълумотларга кўра, нисбатан энг юқори тола чиқими “Кинг” навида кузатилиб, 33,7%ни, тола узунлиги бўйича эса “Навкинс” навида (23,0 мм) аниқланган. Ушбу кўрсаткичлар маҳаллий навларда (“Кўк чигит” ва “Малла чигит”) тегишли равишда 31,8%; 19,5 мм ва 30,8%; 17,5 ммни ташкил этган. Маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Америка навлари маҳаллий навлардан ҳосилдорлиги ва толанинг сифати бўйича юқори эканлиги билан ажралиб турган.

Маҳаллий навлардан иқлимлаштирилган Америка навларининг қандай афзалликлари бўлган? Америка навларида шохлар маҳаллий навларга нисбатан йирик бўлиб, бўйининг баландлиги 0,6-0,7 м.ни ташкил этган, барг ва кўсақларининг катталиги билан ҳам ажралиб турган. Кўсақлар пастдан юқорига қараб очилганлиги сабабли, уч мартагача териб олиш имкони бўлган. Бундан ташқари, толасининг узунлиги ва юмшоқлиги билан маҳаллий навлардан устунлик қилган. Мазкур навларнинг яна бир муҳим жиҳати пахтаги кўсақни ўзида очилиши бўлган. Бу даврда маҳаллий ғўза навларида эса кўсақлар очилмаслиги сабабли улар териб олиниб, кейин ундан пахтаси кўл кучи ёрдамида ажратиб олинган. Бу эса пахта етиштиришда кўп вақт, ишчи кучи ва машаққатли меҳнатни талаб қилиб, пахта таннархини ошишига олиб келган.

Таъкидлаш керакки, Америка навлари Тошкент атрофидаги тажриба станцияларида иқлимлаштирилганидан кейин синовдан ўтган уруғлар экиш учун деҳқонларга бўлиб берилган. Пахта етиштиришдаги агротехник тадбирлар Америкада малакасини ошириб қайтган мутахассислар раҳбарлигида олиб борилган. Туркистон ўлкасида “Пахтакўл” номидаги биринчи пахта уруғчилиги станцияси Наманганда ташкил этилгани ҳам пахтачилик соҳасига жиддий эътибор берилганидан далолат беради. Бу ерда ғўзанинг “Кинг”, “Алленг” “Кўк чигит”, “Янги Колумбия” каби навларидан уруғлик чигитлар тайёрланган.

Пахта етиштиришда агротехник тадбирларнинг такомиллашуви, айниқса ўлкага қишлоқ хўжалик техникаларининг олиб келиниши, пахта сақлайдиган омборхоналарни ташкил

этилиши, 1900 йилдан бошлаб Тошкент, Авлиёота, Андижон ва Самарқандда хом-ашёни қайта ишлайдиган завод ва фабрикаларнинг барпо қилиниши пахтачиликни янада ривожланиб боришига туртки бўлиб хизмат қилган.

Пахтачиликни илмий ривожлантириш мақсадида мутахасис ва олимларнинг иштирокида съездлар ўтказиб турилган. Бундай съездлар 1884, 1885, 1903 ва 1912 йилларда Тошкентда ўтказилган. Съездларда асосий масала суғоришнинг тартибга солиш ва шолчиликни қисқартириш, илмий тажриба станцияларини ташкил этиш, олим ва мутахасислар тайёрлаш, пахта экиш учун янги ерларни ўзлаштириш, ғўза уруғчилигини ривожлантириш каби бир қатор масалаларни ўз ичига олган. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида 1902 йилда Тошкентда “Пахтачилик дастури” қабул қилинган, 1907 йилда “Пахта комитети”, 1911 йилда агрохимё хизматини кўрсатувчи “Агрохимия ташкилоти” ташкил этилган. Мирзачўл ва Андижондаги тажриба станциялари кучайтирилган, Фарғонада уруғчилик станцияси, Каттакўргон ва Амударёда тажриба участкалари очилган [5].

Маълумотларга кўра, Туркистон ўлкасида 1890 йилда жами 83967 десятина<sup>2</sup> (91524 гектар) майдонга чигит экилган бўлиб, шундан 55378 десятина (60362 гектар) майдонга Америка навлари, 28589 десятина (31162 гектар) майдонга маҳаллий навлар экилган.

<sup>2</sup>1 десятина=1,09 гектарга тенг.

Туркистон ўлкасида 1890 йилда пахта етиштирилган майдонлар

ҳажми

(Ҳ.Зиёев маълумотлари)

Ҳудудлар	Америка ғўза навлари етиштирилган майдон		Маҳаллий ғўза навлари етиштирилган майдон	
	десятина	гектар	десятина	гектар
Тошкент уезди	17100	18639	1776	1936
Марғилон уезди	8736	9522	4640	5057
Қўқон уезди	3000	3270	10211	11130
Андижон уезди	7289	7945	1315	1433
Наманган уезди	13814	15057	988	1076
Каттакўргон уезди	3237	3528	3665	3995
Самарқанд уезди	2135	2327	5838	6363
Жиззах уезди	67	73	156	170
Жами	55378	60362	28589	31162

Ўрта Осиё ва Чор Россиясини боғловчи темир йўл қурилганига қадар пахтанинг асосий қисми Тошкент, Казалинск орқали Оренбургга келтирилган. Бу жойдан эса Россиянинг турли нукталарига юборилган. Пахта туяларда ташилгани учун кўп вақтни олиб, Оренбургга етгунга қадар 5-6 ой, баъзи холлардагина 3-4 ой вақт ўтган. Масофанинг бундай давомийлиги куз ва қиш фаслларида пахта сифатини бузилишига олиб келган. XIX асрнинг охирида XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё ва Чор Россиясини боғловчи темир йўлнинг қурилиши ўлкада пахтачилик соҳасига бўлган қизиқиш

ХІХ асрнинг охирларида Фарғона водийсида пахта етиштирилган  
майдонлар ва экилган ғўза навлари  
(Ҳ.Зиёев маълумотлари)

Йиллар	Америка ғўза навлари экилган майдон		Маҳаллий ғўза навлари экилган майдон		Жами	
	десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар
1888	15008	16359	19661	21430	34669	37789
1889	2755	3002	23166	25251	50716	55280
1890	32492	35416	18649	20327	51141	55744
1891	52979	57747	13315	14513	66294	72211
1892	72588	79121	17196	18743	89884	97973
1893	71208	77617	14092	15360	85300	92977
1894	67696	73788	14644	15962	82338	89748
1895	94895	103435	16084	17531	109701	119574
1896	153214	167003	14491	15795	167705	182798
1897	102642	111880	14153	15427	116795	127306
1898	94514	103020	10326	11255	104840	114275
1899	174026	189688	12300	13407	186826	203640
1900	144444	157444	10839	11814	155283	169258

янада ортиб, унинг ривожланишига катта хисса кўшди. Шундан сўнг Туркистон ўлкасида пахта етиштириш ишлари янада жадаллашди.

Фарғона водийсининг тупроқ ва иқлим шароити қадимдан пахта етиштиришга мос эканлиги ҳамда халқининг меҳнатсеварлиги пахта етиштирувчиларнинг водий ерларига бўлган диққат эътиборини тортди. Ўша даврларда Фарғона водийсида деҳқончилик, хунармандчилик, тўқимачилик ва савдо-сотиқнинг кенг ривожланганлиги ҳам пахта етиштирувчиларнинг назаридан четда қолмаган.

Шулардан келиб чиққан холда Чор Россияси вакиллари ўлкада маҳаллий ғўза навларини тобора сиқиб чиқариб, Америка ғўза навлари экиладиган майдонлар ҳажмини кенгайтиришга ҳаракат қилишган.

Ҳ.Зиёевнинг [5] берган маълумотларига кўра, ХІХ асрнинг охирларида Фарғона водийсида 2 миллион 412 минг киши, шу жумладан 618 та рус оилалари мавжуд бўлиб, улар 2546 кишидан иборат бўлган.

ХІХ асрнинг охирлари ХХ асрнинг бошларида, кейинги 13 йилда Фарғона водийсида жами пахта етиштириладиган майдон 34669 десятина (37789 гектар) дан 186826 десятина (203640) гектар га, яъни қарийб 6 баробарга кўпайган. Шундан жами пахта етиштириладиган майдоннинг 93,0 %ига Америка ғўза навлари, қолган 7,0 % ига маҳаллий навлар экилган.



1896 йилда Фаргона воднісида пахта ештирилган майдон ва гўза хосилдорлиги  
(Х.Зйёев маълумотлари)

№	Уездлар номи	Экинган майдон						Бир десятина (гектар)даги хосил						Умумий (ялли) пахта хосили			
		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		десятина	гектар	десятина	гектар	пул/дес	ц/га	пул/дес	ц/га	пул/дес	ц/га	пул/дес	ц/га	пул	тонна	пул	тонна
1	Марғилон	70184	76500	5753	6270	50	8,20	14	2,29	3509200	62730	80542	80542	1435			
2	Қўқон	13090	14268	6520	7106	64	10,50	98	16,07	837760	14981	638960	638960	11419			
3	Андижон	47150	51393	870	948	45	7,38	38	6,23	2121750	37928	33060	33060	590			
4	Наманган	22790	24841	1348	1469	62	10,16	36	5,90	1412980	25238	48528	48528	866			
	Жами	153214	167003	14491	15795	55,2	9,05	46,5	7,62	8457413	151137	673831	673831	12035			

1898 йилда Фаргона воднісида пахта ештирилган майдон ва гўза хосилдорлиги  
(Х.Зйёев маълумотлари)

№	Уездлар номи	Экинган майдон						Бир десятина (гектар)даги хосил						Умумий (ялли) пахта хосили			
		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		десятина	гектар	десятина	гектар	пул/дес	ц/га	пул/дес	ц/га	пул/дес	ц/га	пул/дес	ц/га	пул	тонна	пул	тонна
1	Марғилон	30000	32700	2000	2180	38	6,23	40	6,56	1140000	20372	80000	80000	1430			
2	Қўқон	13345	14546	7435	8104	40	6,56	45	7,38	533800	9542	364680	364680	5980			
3	Андижон	28570	31141	55	60	55	9,02	45	7,38	1571350	28089	2475	2475	44			
4	Наманган	22599	24632	836	911	60	9,84	45	7,38	1355940	24237	37620	37620	672			
	Жами	94514	103020	10326	11255	48,25	7,91	43,75	7,17	4560300	81488	451762	451762	8069			

хосилдорлик 55-60 пуд (9,02-9,84 ц/га)ни ташкил этган бўлса, Марғилон ва Кўконда экилган далалардан тегишли равишда 38-40 пуд (6,23-6,56 ц/га), яъни 17-20 пудга (3,2-3,3 ц/га) кам бўлган. Маҳаллий навлардан эса 40-45 пуд (6,56-7,38 ц/га) пахта ҳосили олинган.

Эътибор берилса, маҳаллий ғўза навлари Фарғона водийсидаги уездлар орасида бошқа уездларга қараганда Кўкон уездидида кўпроқ майдонда экилган. Маҳаллий навлардан энг юқори ҳосил ҳам худди шу уездда олинган.

Айтиш керакки, ўша даврларда Америка ҳамда маҳаллий ғўза навларида тола чиқими деярли бир-бирига яқин бўлиб, ўртача 29-30%ни ташкил этган. Майдонларга Америка ва маҳаллий ғўза навларидан ташқари, Упланд (Upland) Америка навларини иқлимлаштириш орқали пайдо бўлган қора чигит, кўк чигит, оқ чигит сингари навлар оз майдонларга бўлса ҳам экилган. Мазкур навлар уларнинг чигитининг рангидан келиб чиқиб номланган.

Менимча, пахтачилик фанида дастлабки илмий ишлар Америка ғўза навларини иқлимлаштириш ва уларни уруғчилигини ташкиллаштиришдан бошланган бўлса керак.

Ўша даврларда ўлкада пахта тозалаш заводлари жуда кам бўлиб, терилган пахталарни бир қисми аҳоли хонадонларига тарқатилиб, қўл кучи орқали тозаланган ва тола йиғилган. Мавжуд заводлар мавсумий ҳолда ишлаб, қора ишчи кучлар (маҳаллий аҳоли) етарли бўлгани билан мутахасислар жуда кам бўлган. Бундан ташқари, заводлардаги шароитлар ўта ачинарли бўлиб, завод эгалари томонидан етарлича эътибор берилмаган.

Шундай бўлсада, водий уездларида пахта етиштиришга бўлган эътибор ва қизиқиш сусаймади.

Олинган маълумотларга кўра, 1899 йилга келиб, водийда пахта етиштириладиган майдон ҳажми 157135 десятина (171277 гектар), 1900 йилда 176135 десятина (191987 гектар), 1901 йилда 207135 десятина (225777 гектар)ни ташкил этган. Шу йили (1901 йил) водий бўйича жами 9800444 пуд (160727 тонна, гектаридан ўртача 7,1 ц/га) пахта ҳосили олинган. 1902 йилда жами 215274 десятина (234648 гектар) майдонга чигит экилиб, рекорд даражада 19128030 пуд (313699 тонна) пахта ҳосили олиниб, ўртача хосилдорлик бир десятинадан 88,8 пуд (гектаридан ўртача 13,3 ц/га)ни ташкил этган.

1903-1905 йилларга келиб, Россия тўқимачилик корхоналарининг инқирози пахтага бўлган талабни пасайтирди, пахта нархини пасайишига сабаб бўлди. Шунинг учун ўлкада пахта майдони бирмунча қисқариб, жами пахта етиштириладиган майдон 146273 десятинага (159437 гектар) тушиб қолди. Аммо, 1905 йили ҳосил яхши бўлиб, бир десятинадаги Америка навларида ўрта ҳисобда 79-80 пуд (12,9-13,1 ц/га), маҳаллий навлардан эса 65-74 пуд (10,5-12,1 ц/га) пахта ҳосили олинди. Масалан, Андижон уездида Америка ғўза навларидан ўртача 79-98 пуд (12,9-16,0 ц/га), маҳаллий навлардан 62-82 пуд (10,1-13,4 ц/га), Кўконда тегишли равишда 50-87 (8,2-14,2 ц/га); 44-59 (7,2-14,2 ц/га), Наманганда 65-72 пуд (10,6-11,8 ц/га); Марғилонда 69 пуд (11,3 ц/га); 57 пуд (9,3 ц/га) миқдориди пахта ҳосили олинган [5].

Юқори пахта ҳосили ва ундан олинадиган катта иқтисодий даромад Фарғона водийсида пахта етиштириладиган майдонларни


1888-1915-йилларда Фарғона водийсида пахта етиштирилган  
майdonлар ҳажми

Йиллар	Ғўза навлари экилган майдон	
	десятина	гектар
1888	15008	16359
1889	2755	3002
1890	32492	35416
1891	52979	57747
1892	72588	79121
1893	71208	77617
1894	67696	73788
1895	94895	103435
1896	153214	167003
1897	102642	111880
1898	94514	103020
1899	174026	189688
1900	144444	157444
1901	207135	171277
1902	215274	234648
1903	146273	159437
1904	147346	160607
1905	149211	162639
1906	183639	200166
1907	199587	217550
1908	187633	204520
1909	199413	217360
1910	267487	291560
1911	275560	300360
1912	287364	313226
1913	289216	315245
1914	291752	318009
1915	336525	366812

кенгайишига туртки бўлди. Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги амалдорлари ҳамда маҳаллий савдогарларнинг фикри хаёли фақат пахтани имкон қадар каттароқ майdonларда етиштириш ва кўпроқ фойда олишдан иборат эди.

Шундан келиб чиқиб, Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона водийсида пахта етиштириладиган майdonлар йилдан-йилга кенгайиб борди. 1906 йилда пахта етиштирилган майдон 183639 десятина (200166 гектар)ни ташкил этган бўлса, 1907-1909 йилларда 199413-199587 десятина (217360-217550 гектар)ни ташкил этди. Пахта майdonларини кескин равишда кенгайиб бориши 1910 йилдан жадал суръатларда давом этиб, ушбу кўрсаткич 1910 йилда 267487 десятина (291560 гектар)ни, 1911 йилда 275560 десятина (300360 гектар)ни, 1912 йилда 287364 десятина (313226 гектар)ни, 1913 йилда 289216 десятина (315226 гектар)ни, 1914 йилда 289216 десятина (315245 гектар)ни, 1915 йилда эса 336525 десятина (366812 гектар)ни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, 1915 йилнинг ўзидаёқ Фарғона водийсида пахта етиштирилган майдоннинг 366 минг гектардан ортиқ бўлиши ўша даврда пахта етиштиришга бўлган иштиёқнинг нақадар юқори бўлганлигидан далолат беради. Таъкидлаш керакки, мазкур рақам айни вақтда Фарғона водийсида пахта етиштириладиган майdonлар ҳажмидан сезиларли равишда юқоридир.



1-чизма. 1888-1915 йилларда Фарғона водийсида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми

Юқорида келтириб ўтилганидек, ҳосилдорлиги ҳамда тола чиқиши юқори бўлганлиги сабабли пахта етиштирилган майдонларнинг қарийб 92-93%ига Америка ғўза навлари экилган. Маҳаллий навлар эса умумий майдоннинг 7-8%ида экилган холос. Мисол учун, 1906 йилда Фарғона водийсининг Андижон уездида 50865 десятина (55443 гектар) майдонга Америка ғўза навлари экилган бўлса, 2035 десятина (2218 гектар) майдонга маҳаллий навлар, Қўқон уездида 25400 десятина (27686 гектар) майдонга Америка навлари, 6189 десятина (6746 гектар) майдонга маҳаллий навлар, Марғилонда тегишли равишда 54125 десятина (58996 гектар); 3111 десятина (3391 гектар), Наманган уездида 373173 десятина (40675 га) 942 десятина (1026 гектар) майдонда экилган. Ушбу ҳолатни 1907, 1908, 1909 ва 1910-йилларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўша даврларда, нисбатан кўпроқ майдонларда пахта етиштириш бўйича Марғилон ва Андижон уездлари етакчилик қилишган. Маълумотларга кўра, 1906-1910 йиллар давомида мазкур уездларда Қўқон ва Наманган уездларида пахта етиштирилган майдонларга нисбатан 15-25 минг десятина (16350-27250 гектар) кўпроқ майдонларда пахта етиштирилган.

Аммо, пахтадан Андижон ва Марғилон уездларига нисбатан Қўқон ва Наманган уездларида юқори ҳосил олинган. Масалан, 1906 йилда Андижон ва Марғилон уездларида Америка ғўза навларидан тегишли равишда 59,7 пуд (9,0 ц/га) ва 54,0 пуд (8,1 ц/га) пахта ҳосили олинган бўлса, Қўқон ва Наманган уездларида тегишли равишда 64,0 пуд (9,6 ц/га) ва 68,0 пуд (10,2 ц/га), яъни гектаридан 0,6-2,1 ц/га миқдорда юқори ҳосил олинган. Ушбу ҳолат 1908 йилда ҳам кузатилиб, Андижон ва Марғилон уездларида пахта ҳосили тегишли равишда 61,6 пуд (9,2 ц/га) ва 59,0 пуд (8,8 ц/га)ни ташкил этган бўлса, Қўқон ва Наманган уездларида эса 68,0 пуд (10,2 ц/га) ва 71,0 пуд (10,6 ц/га)ни ташкил этган. Худди шундай ҳолат 1910 йилда олинган ҳосилда ҳам кузатилган.

Умуман олганда, XIX асрнинг 80-йиллари XX асрнинг бошларида Фарғона водийсида пахтачилик соҳаси тобора ривожланиб борди. Бу даврда пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми 34669 десятинадан (37789 гектар) 336525 десятина (366812 гектар)га, яъни 10 баробарга кўпайди. Айтиш керакки, мазкур йил-

## 1906-1910 йилларда Фарғона водийсида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми

№	Йиллар.	Андижон				Кўкон				Маргилон				Наманган			
		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		десяти на	гек тар	десяти на	гек тар	десяти на	гек тар	десяти на	гек тар	десяти на	гек тар	десяти на	гек тар	десяти на	гек тар	десяти на	гек тар
1	1906	50865	55443	2035	2218	25400	27686	6189	6746	54125	58996	3111	3391	37317	40675	942	1026
2	1907	48745	52837	3124	3405	24712	26936	7417	8084	55473	60465	3047	3321	36542	39830	1058	1153
3	1908	50615	55170	2022	2204	30448	33188	6673	7273	60161	65575	2720	2965	33276	36270	1454	1583
4	1909	65509	71405	1492	1626	31517	34353	5805	6327	59092	64410	2452	2672	36945	40270	1032	1125
5	1910	76252	83114	4497	4901	39493	43047	6615	7210	84474	92076	1161	1265	44428	48426	567	618

ларда Туркистон ўлкасида етиштирилган пахтанинг 70%дан кўпроғи Фарғона водийси хиссасига тўғри келган.

Майдонларга узок йиллардан буён (1888 йилдан 1902 йилларгача) фақат пахта етиштирилиши тупроқ унумдорлигини пасайишига, пировардида пахта ҳосилини камайишига сабаб бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда йирик ер эгалари водийда чорвачиликни ривожлантиришга ҳамда экинларни алмашлаб экишга эътибор қаратишди.

Адабиётларда келтирилишича, [10] Туркистон ўлкасининг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида, хусусан Фарғона водийсида экинларни маълум тартибда алмашлаб экиш тизими мавжуд бўлган, баъзи ҳолатларда маҳаллий ўғитлардан (гўнг) фойдаланилган. Айниқса, шу ўринда А.Ф.Миддендорфнинг 1882 йилда чоп этган асариди “Шарқ деҳқончилигида маданий экинлар турининг кўплиги бутунлай янги тизимга ўтишни ўйлаб кўришга мажбур қилади” деб алоҳида қайд этади.

Ўша даврларда Фарғона водийсида деҳқонлар ўзлари истикомат қилаётган жойларга яқин бўлган ерларга ўзларидаги чорва молларини боқиш учун бедани бир далада узок йиллар (8-10 йил) давомида етиштиришга мажбур бўлишган. Бедадан кейин биринчи йил маккажўхори экилган, иккинчи йил қовун, учинчи йил ковок, тўртинчи йил буғдой етиштирилиб, кейин яна беда экилган. Бошқа далаларда маҳаллий ўғитларни қўллаган ҳолда далага биринчи йил кузги буғдой, иккинчи йил маккажўхори ёки тарик, кейинги икки йилда эса гўза парвариш қилинган. Деҳқонлар пахта етиштириладиган далада, албатта, кузда ва экиш олдида маҳаллий

Ўғит солишни унутмаганлар. Бу тўғрисида С.В.Понятовский қуйидагиларни келтириб ўтган: “Фарғоналик ўзбек деҳқонлар, экинларни етиштиришда маҳаллий ўғитларни тизимли қўллашлари орқали, деҳқончиликни эркин тизимини ташкил этиб, деҳқончилик маданиятини ўзига хос усулини яратдилар”.

Таниқли агроном ва олим М.Бушуев 1910 йилнинг 10 июл-5 август кунларида Фарғона водийсида бўлиб, у ерда кўрганларини “Туркистоннинг пахтакор туманлари тўғрисида” номли асарида баён этган. Андижонлик танобчи Юнусали Юсубаев 2,5 гектар ерга 10 йил давомида пахта етиштириб, юқори ҳосил олган. Бунда у ҳар икки йилда бир марта гектарига 12-14 тонна маҳаллий гўнг солиб, тупроқ унумдорлигини бир маромда ушлаб турган. Пахтакор Мулла Мадралининг икки жойда бири 10 гектар, иккинчиси 12 гектар ери бўлиб, у биринчи даласини 8 гектарида пахта, 2 гектарида беда, иккинчи даласининг 3 гектарида шоли, 2 гектарида беда ва 7 гектарида пахта етиштирган. Пахтадан гектарига 14-15 центнер ҳосил олинган. Пахта етиштириладиган далаларга ҳар икки йилда бир марта 10-12 тоннадан маҳаллий гўнг, бошқа экинлар етиштириладиган далаларнинг ҳар гектарига 120 тоннадан зиёд арик лойқаларини чиқариб турган.

Адабиётлар таҳлилидан тушуниш мумкинки, XIX асрнинг 80-йиллари XX асрнинг бошларида, Туркистон ўлкаси деҳқонларида экинларни алмашлаб экиш тўғрисида тушунчалар бўлган. Бунини ўша даврларда Туркистон ўлкасига келган рус олимлари ҳам ўзларининг китоб ва эсдаликларида ёзиб қолдиришган.

1906-1910 йилларда Фарғона водийсида Америка ва маҳаллий гўза навларидан олинган пахта ҳосили

№	Йи.	Андижон				Кўкон				Марғилон				Наманган			
		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га	пул/де сатина	ш/га
1	1906	59,7	9,0	41,3	6,2	64,0	9,6	8,3	54,0	8,1	41,3	6,2	68,0	10,2	51,4	7,6	
2	1907	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3	1908	61,6	9,2	42,0	6,3	68,0	10,2	8,5	59,0	8,8	44,0	6,6	71,0	10,6	50,0	7,3	
4	1909	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
5	1910	67,0	10,0	49,0	7,3	54,0	8,1	44,0	63,0	9,5	55,0	8,3	73,0	10,9	63,0	9,4	

1903-1905 йилларда Фарғона водийсида суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонлар  
(Х.Зиёев маълумотлари)

№	Уездлар	Суғориладиган майдон		Экилган майдон	
		десятина	гектар	десятина	гектар
1	Марғилон	214428	233726	154982	168930
2	Анджон	211156	230160	153572	167393
3	Наманган	170178	185494	112980	123148
4	Қўқон	163372	178075	101975	111152
5	Жами	759134	827456	523509	570625

Таъкидлаш керакки, ўша даврларда Фарғона водийсида жами 759134 десятина (827456 гектар) суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонлар мавжуд бўлган. Аммо, мавжуд суғориладиган майдонлардан тўлиқ фойдаланилмай, фақат 523509 десятина (570625 гектар) 69% майдондан фойдаланилган. Мазкур майдонларни катта қисми Марғилон ва Анджон уездларига тўғри келиб, майдонлар улуши тегишли равишда 214428 десятина (233726 гектар) ва 211156 десятина (230160 гектар)ни ташкил этган.

Демак, ўша даврларда Фарғона водийсида деҳқончилик қилиш учун суғориладиган ерлар етарли даражада бўлган.

Гарчи, 1903 йилда Фарғона водийсида жами 759134 десятина (827456 гектар) суғориб деҳқончилик қилиниши мумкин бўлган майдонлар мавжуд бўлсада, сувнинг етишмаслиги ва бошқа сабаблар билан майдонлардан фойдаланиш самарадорлиги жуда

1903 йилда Фарғона водийсида экилган экин турлари, майдони ва олинган ялли хосил  
(Х.Зиёев маълумотлари)

№	Экин турлари	Марғилон уезди						Қўқон уезди						Анджон уезди						Наманган уезди										
		Экин майдони			Ялли хосил			Экин майдони			Ялли хосил			Экин майдони			Ялли хосил			Экин майдони			Ялли хосил							
		десятина	гектар	пуд	тонна	гектар	десятина	гектар	пуд	тонна	гектар	десятина	гектар	пуд	тонна	гектар	десятина	гектар	пуд	тонна	гектар	десятина	гектар	пуд	тонна	гектар	десятина	гектар	пуд	тонна
1	Америка гўза нави	52673	57413	5367300	88023	8500	23448	25538	933508	15637	3830	1404	29913	32605	2931300	48073	26759	29167	1982610	32515										
2	Махаллий гўза нави	2447	2667	110115	1805	8500	9265	9265	233887	3830			1404	1530	112320	1842	1129	1236	50960	836										
3	Зигир	144	157	3024	50	402	438						2602	2836	2602	43	52305	57012	1767	29										
4	Қунжут	480	523	24000	393								640	697	1280	21	130	142	2156	35										
5	Қунжабоқар	17	19	510	8								20	22	1600	26			390	6										
6	Бела	1799	1961	5467300	88023	14291	15577	2079923	34111				8581	9353	1802010	29553	8608	9333	5705239	93566										
7	Тарик	718	783	43800	718	877	956	55590	911				1290	1406	72540	1189	1502	1637	77853	1277										
8	Ел-халлақ	74	81	2960	48																									
9	Қовун-тарвуз	3825	4169			593	646																							
10	Қарғошма	152	166	106400	1744	428	467	1033000	16941				22	24	11000	180	61	67	5876	96										
11	Таман	18	20	205	53	21	23	525	8,6																					
12	Қаноп												4	4,4	240	4														
13	Бошқа экинлар	1692	1844			2562	2793																							
14	Жами	64039	69803	11025614	180815,3	51122	55723	4356133	71438,6				4476	48477,4	4934892	80931	93018	100685	7827326	128368										

паст бўлган.

Олинган маълумотларга кўра, 1903 йилда 759134 десятина (827456 гектар) суғориладиган майдондан фақат 252655 десятина (275394 гектар), яъни умумий мавжуд майдонга нисбатан 33,3% майдонда қишлоқ хўжалик экинлари экилган. Суғориладиган майдонлардан фойдаланишда Фарғона водийси бўйича Наманган уезди пешқадамлик қилиб, 93018 десятина (100685 гектар) майдонга деҳқончилик қилинган. Мазкур кўрсаткичлар Марғилон уездида 64039 десятина (69803 гектар)ни, Қўқон уездида 51122 десятина (55723 гектар)ни, Андижон уездида 44476 десятина (48477,4 гектар)ни ташкил этган.

Ушбу йилларда ғўза асосан зиғир, кунжут, кунгабоқар, беда, тамаки, тарик, полиз экинлари, каноп ва картошка каби экинлар билан алмашлаб экилган. Шундай бўлсада, ғўза барибир бошқа қишлоқ хўжалик экинларига нисбатан каттароқ майдонларни эгаллаган.

Маълумотларга кўра, Марғилон уездида пахта майдонлари 55120 десятина (60080 гектар) майдонни эгаллаб, бу умумий майдонни 86,0%ини ташкил этган. Бу кўрсаткич Қўқон уездида 31948 десятина (34823 гектар) ни (62,5%), Андижон уездида 31317 десятина (34135 гектар) ни (70,4%)ни ташкил этган. Фақатгина Наманган уездида пахта етиштириладиган майдон умумий майдонга нисбатан 30,0%ни ташкил этиб, пахта майдони 27888 десятина (30397 гектар) бўлган. Кўриниб турибдики, йигирманчи асрнинг бошиданок қишлоқ хўжалик экинлари орасида ғўза ўсимлигига катта устуворлик берилган.

Айтиш мумкинки, пахта яккахокимлигига ўша даврлардан бошлаб пойдевор қўйилган.

Қолган қишлоқ хўжалик экинлари бўйича олинган маълумотларга кўра, экинлар салмоғи қуйидагича: Марғилон уездида полиз экинлари салмоғи 3825 десятина (4569 гектар)ни ташкил этиб, умумий майдонга нисбатан 6,0%ни, беда 2,8%ни, тарик 1,1%ни, кунжут 0,75%ни, картошка 0,24%ни, зиғир 0,22%ни, ем-хашак экинлари 0,11%ни ва бошқа экинлар 2,64%ни ташкил этган.

Қўқон уездида эса пахта экини салмоғи 62,5%ни, беда 22,3%ни, полиз экинлари 1,16%ни, тарик 1,7%ни, картошка 0,84%ни, зиғир 5,8%ни ва бошқа экинлар 5,01%ни ташкил этган.

Андижон уездида пахта салмоғи 70,4%ни ташкил этиб, беда 19,3%ни, тарик 2,9%ни, кунжут 1,43%ни, картошка 0,05%ни, зиғир 0,22%ни ташкил этган.

Таъкидлаш керакки, Наманган уездида экинлар орасида зиғир экилган майдон нисбатан юкори бўлиб, салмоғи 56,2%ни ташкил этган, пахта салмоғи эса 30,0% бўлган. Бунда беда экини 9,25%, тарик 1,61%, полиз экинлари 1,55%, кунжут 0,14%, бошқа экинлар 0,2% нисбатда кўриниш олган.

Йиллар ўтиши билан Фарғона водийсида мавжуд суғориладиган майдонларнинг ўзлаштирилиши, сув иншоотларининг барпо этилиши, сувни тўғри тақсимлаш ишларини самарали олиб борилиши натижасида суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонлар ҳажми сезиларли равишда ошган. Маълумотларга кўра, 1903 йилда Фарғона водийсида жами суғориб деҳқончилик қилинган майдон 252655 десятина (275394 гектар)ни



ташкил этган бўлса, 1905 йилда ушбу кўрсаткич 628735 десятина (685319 гектар)га, яъни қарийб уч баробарга яқин ошган.

11-жадвал

1905 йилда Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик экинлари экилган

майдон ҳажми  
(Ҳ.Зиёев маълумотлари)

№	Экин турлари	Экилган майдон		Умумий майдонга нисбатан, фоиз ҳисобида
		десятина	гектар	
	Жами	628735	685319	100
1	Америка гўза нави	152745	166492	24,3
2	Маҳаллий гўза нави	13998	15258	2,2
3	Бугдой	143001	155871	22,7
4	Арпа	11724	12779	1,9
5	Шоли	69729	76004	11,1
6	Жўхори	66528	72515	10,6
7	Беда	61035	66528	9,7
8	Маккажўхори	56794	61905	9,0
9	Полиз экинлари	18146	19779	2,9
10	Тарик	11386	12411	1,8
11	Зигир ва каноп	9372	10215	1,5
12	Нўхот	556	606	0,13
13	Картошка	586	639	0,11
14	Сули	308	336	0,06
15	Бошқа экинлар	12827	13981	2,0

Шундай бўлсада, қишлоқ хўжалик экинлари орасида экиладиган майдон салмоғи бўйича гўза экини яқка хукмрон ўсимлик сифатида қолаверган.

Олинган маълумотларга кўра, 1905 йилда Фарғона водийсида Америка гўза навлари 152745 (166492 гектар) майдонга экилиб, жами суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонни 24,3%ини ташкил этган. Маҳаллий навлар 13998 десятина (15258 гектар) майдонга экилиб, жами экин майдонини 2,2%ини эгаллаган. Демак, умумий ҳисобда пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми 26,5%, 166743 десятина (181750 гектар)ни ташкил этган.

Бошоқли-дон экинларидан бугдой майдони 143001 десятина (155871 гектар)ни ташкил этиб, экинлар орасидаги салмоғи гўза экинига яқин 22,7% ни, ташкил этган. Арпанинг майдони эса 11724 десятина (12779 гектар) 1,9% ни, шолининг майдони 69729 десятина (76004 гектар) 11,1% ни, жўхори майдони 66528 десятина (756515 гектар) 10,6% ни, беда майдони 61035 десятина (66528 гектар) 9,7% ни, маккажўхори майдони 56794 десятина (61905 гектар) 9,0% ни, полиз экинлари 18146 десятина (19779 гектар) 2,9% ни, тарик 11386 десятина (12411 гектар) 1,8% ни, зигир ва каноп 9372 десятина (10215 гектар) 1,5% ни, нўхот 556 десятина (606 гектар) 0,13% ни, картошка 586 десятина (639 гектар) 0,11% ни, сули 308 десятина (336 гектар) 0,06% ни, бошқа экинлар 12827 десятина (13981 гектар) 2,0% ни ташкил этган.

Умуман олганда, ушбу йилларда пахтадан келадиган иқтисодий даромад юқори бўлганлиги сабабли у қишлоқ хўжалиги экинлари орасида экиладиган майдон ҳажми бўйича юқори

ўринларда турган. Қолган қишлоқ хўжалик экинлари маҳаллий аҳолини кундалик озиқ-овқати ҳамда чорваси учун ем-хашак сифатида экилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш тушунчаси ва у тўғрисидаги дастлабки илмий қарашлар шу даврларда шаклланиб, экинларни алмашлаб экиш пахтадан олинаётган юқори иқтисодий даромадга қизиқиш жуда юқори бўлганлиги сабабли мажбурий равишда амалга оширилган.

Пахтачилик соҳаси нафақат Фарғона водийсида, балки Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларида ҳам ривожланиб борган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида пахтачилик **Сирдарё вилоятида** ҳам тобора кенгайиб борди. Ўша вақтларда Сирдарё вилояти Туркистон ўлкасидаги катта вилоятлардан бири бўлиб, таркиби Тошкент, Чимкент, Авлиёота, Перовский ва Казалин уездлари ҳамда Амударё бўлимидан ташкил топган.

Сирдарё вилоятида дастлаб 1884-1885 йилларда 300-1000 десятина (327-1090 гектар) майдонга пахта етиштирилган бўлса, 1886 йилга келиб ушбу майдонлар ҳажми кескин ошиб, 12000 десятина (13080 гектар)га етди.


Пахта етиштириладиган майдон кейинги йилларда ҳам кенгайиб бориб, 1887 йилда 14338 десятина (15628 гектар)ни, 1888 йилда 15745 десятина (17162 гектар)ни, 1889 йилда 16374 десятина (17847 гектар)ни, 1890 йилга келиб эса 19880 десятина (21669 гектар)ни ташкил этди. Фақат 1891-1894 йилларда Туркистон ўлкасида сувсизликни кузатилиши пахта майдонларини нисбатан

10-11 минг десятина (11-12 минг гектар)гача камайишига сабаб бўлди. Аммо, 1895 йилдан бошлаб, пахта майдонлари яна кенгая бориб, 1896 йилда 21815 десятина (23778 гектар)ни, 1897 йилда 21805 десятина (23767 гектар)ни, 1898 йилда 23805 десятина (25947 гектар)ни 1899 йилда 16384 десятина (17858 гектар)ни, 1900 йилда

12-жадвал

1884-1900 йилларда Сирдарё вилоятида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми  
(Х.Зиёев маълумотлари)

№	Йиллар	Десятина	Гектар
1	1884	300	327
2	1885	1000	1090
3	1886	12000	13080
4	1887	14338	15628
5	1888	15745	17162
6	1889	16374	17847
7	1890	19880	21669
8	1891	12260	13363
9	1892	11272	12286
10	1893	10482	11425
11	1894	10200	11118
12	1895	10200	15818
13	1895	14512	23778
14	1896	21815	23767
15	1897	21805	25947
16	1898	23805	17858
17	1899	16384	17858
	1900	23575	25696



2-чизма. 1884-1900 йилларда Сирдарё вилоятида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми

23575 десятина (25696 гектар)ни ташкил этган. Кўринадики, Сирдарё вилоятида ҳам Фарғона водийси сингари пахта етиштиришга қизиқиш жуда юқори бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, Сирдарё вилояти 4 та уезд ва 1 та бўлимдан ташкил топган бўлиб, барча уездларда пахта етиштирилган. Аммо, уездлар орасида энг кўп пахта етиштириладиган майдон Тошкент уездида бўлиб, бу ерда Сирдарё вилоятида жами етиштириладиган пахтани 90-95%ини ташкил этган. Бундан ташқари, Тошкент уездида пахтачилик илми ҳам ўз даврига мос равишда тараққий топган бўлиб, Туркистон ўлкасининг Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятларига юқори ҳосилли ва сифатга эга бўлган ғўза навлари ва уруғлари мунтазам етказиб берилган. Шунингдек, ғўзаларни парваришда янги иш қуроллари ёрдамида янги агротехник тадбирлар ишлаб чиқилиб,

мазкур агротадбирлар Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларига ҳам кенг татбиқ этилган [7].

Сирдарё вилоятида ҳам Фарғона водийсидаги сингари ғўзанинг Америка навлари кўпроқ майдонни эгаллаб, Америка ғўза навлари экиладиган майдон умумий пахта етиштириладиган майдонга нисбатан 80-85%ни ташкил этган.

Тошкент уездида 1896 йилда жами 19352 десятина (21093 гектар) майдонга пахта етиштирилиб, шундан 19122 десятина (20843 гектар) майдонга Америка ғўза навлари, 2308 десятина (2515 гектар) майдонга маҳаллий ғўза навлари экилган. Америка ғўза навларидан ҳар десятина майдондан ўртача 50 пуд (гектаридан 7,5 центнер), маҳаллий навлардан эса 36 пуд (гектаридан 5,4 центнер)

13-жадвал

1896 йилда Сирдарё вилоятининг Тошкент уездида пахта етиштирилган майдон ва олинган пахта ҳосили

№	Уездлар	Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		десятина	гектар	десятина	гектар	пуд/десятина	ц/га	пуд/десятина	ц/га	умумий ҳосил		умумий ҳосил	
1	Тошкент									пуд	тонна	пуд	тонна
		19122	20843	2308	2515	50	7,5	36	5,4	956100	15680	83088	1363

пахта ҳосили олинган. Пахтанинг ялпи ҳосили эса Америка навларидан 956100 пуд (15680 тонна), маҳаллий навлардан эса 83088 пуд (1363 тонна)ни ташкил этган. Сирдарё вилоятида ҳам Туркистон ўлкасининг бошқа пахта етиштирувчи худудлари сингари Америка

ғўза навларининг ҳосилдорлиги маҳаллий навларга нисбатан юқори бўлган.

14-жадвал

1906-1907-йилларда Сирдарё вилоятининг Тошкент уездида пахта етиштирилган майдон

Уездлар	1906 йил				1907 йил				1907 йилда 1906 йилга нисбатан кўпайиши ёки камайиши, %	
	Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари	Маҳаллий навлар
1 Тошкент	десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар	+64,3	-73,2
	18290	19936	407	444	30053	32758	109	119		

Кейинги йилларда ҳам Сирдарё вилоятида пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми кенгая борди. 1906 йилга келиб, Сирдарё вилоятининг Тошкент уездида жами 18697 десятина (20380 гектар) майдонга пахта етиштирилиб, шундан 18290 десятина (19936 гектар) майдонга Америка навлари, 407 десятина (444 гектар) майдонга маҳаллий навлар экилган. 1907 йилда пахта етиштириладиган майдон янада кенгайиб, унинг ҳажми 30162 десятина (35835 гектар)га етиб, шундан 30053 десятина (32758 гектар) майдонга Америка навлари, 109 десятина (119 гектар) майдонга маҳаллий навлар экилди. Бунда жами пахта майдони 1907 йилда 1906 йилга нисбатан 37,8%га, Америка ғўза навлари экилган майдон 64,3% ошганини, маҳаллий навлар эса 73,2%га камайди.

Сирдарё вилоятида пахта етиштириладиган майдонларни кен-

гайиб бориши кейинги йилларда ҳам кузатилиб, жумладан 1908 йилда 30914 десятина (33696 гектар), 1909 йилда 33463 десятина (36475 гектар), 1910 йилда 35675 десятина (38886 гектар), 1911 йилда 67839 десятина (73945 гектар), 1913 йилда 76726 десятина (83631 гектар), 1914 йилда 84399 десятина (91994 гектар)га етди. Фақат, Биринчи жаҳон уруши сабабли юзага келган сиёсий ва иқтисодий шароит пахта майдонларини бироз камайишига олиб келиб, 1915 йилда 73995 десятина (80654 гектар), 1916 йилда 64635 десятина (70452 гектар), 1917 йилда 48718 десятина (53102 гектар)ни ташкил этди.

Туркистон ўлкасининг бошқа вилоят ва хуудлари қаторида Самарқанд вилоятида ҳам пахтачилик соҳаси йўлга қўйилди. Ўша даврларда Самарқанд вилояти Самарқанд, Каттакўрғон, Жиззах уездларидан ташкил топган.

1891 йилда Самарқанд вилоятида жами 14702 десятина (16025 гектар) майдонда пахта етиштирилиб, шундан 10070 десятина (10977 гектар) майдонга Америка ғўза навлари, 4632 десятина (5049 гектар) майдонга маҳаллий навлар экилган. Уездлар ўртасида энг кўп пахта майдони Каттакўрғон уездида кузатилиб, 5820 десятина (6344 гектар)ни ташкил этган. Бу ерда ҳам Америка ғўза навлари экиладиган майдон ҳажм бирлигидан устунликка эришиб, 68,5% майдонга мазкур навлар экилган. Америка навларидан энг юқори ҳосилдорлик Жиззах уездини истисно қилганда (жуда кам майдонга чигит экилган) Самарқанд уездида кузатилиб, бир десятина майдондан 101 пуд (15,2 ц/га) пахта ҳосили олишга эришилган. Ушбу кўрсаткич Каттакўрғон уездида 88 пудни (8,0 ц/га)ни ташкил

қилган. Аммо, маҳаллий навлар орасида энг юқори пахта ҳосили ҳам Каттақўрғон уездида аниқланиб, 73 пуд (10,9 ц/га) бўлган. Умуман олганда, Самарқанд вилоятида Америка навларидан ўртача 104 пуд (13,9 ц/га), маҳаллий навлардан 65 пуд (9,7 ц/га) пахта ҳосили олинган.

1892 йилда олинган маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида жами 13795 десятина (15036 гектар) майдонда пахта етиштирилган. Мазкур йилда Самарқанд уездида энг кўп майдонга пахта етиштирилиб, жами 7520 десятина (8197 гектар) майдонни ташкил этган. Шундан 6220 десятина (6780 гектар) майдонда Америка навлари, 1300 десятина (1417 гектар) майдонда маҳаллий пахта навлари етиштирилган. Умуман олганда, Америка ғўза навлари 9178 десятина (10004 гектар)га, маҳаллий навлар 4617 десятина (5033 гектар) майдонга экилган.

А.П.Фёдоров [9] Туркистон ўлкасидаги пахта етиштиришдаги оғир меҳнатни қуйидагича ёритади: “Пахта майдонларида ибтидоий усулда иш олиб борилади. Ер даставвал учига чўян ўрнатилган омоч билан ҳайдалганидан кейин тишли тахта билан текисланади. Чигит биринчи навбатда гўнг билан аралаштирилиб, апрелнинг ўрталарида экилади. Майнинг бошларида чигит униб чиққандан сўнг, намликни сақлаш учун чопиқ қилинади. Пахта ёз бўйи уч марта суғорилиб, сув ҳар бир ариқда икки кундан уч кунгача тўлғазилади. Сўнгра қуриган ёки касалга чалинган новдалар олиб ташланади. Сентябрьнинг ўрталаридан ноябрнинг охиригача пахта терими давом этади. Бизнинг ноқоратупроқ ерлардаги руслар Ўрта Осиёда пахтани етиштириш учун қанчадан-

1891 йилда Самарқанд вилоятида пахта етиштирилган майдон ва ғўза ҳосилдорлиги

№	Уездлар номи	Экилган майдон				Бир десятина (гектар)даги ҳосил				Умумий (яъни) пахта ҳосили			
		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		десятина	гектар	десятина	гектар	пуд	цент	пуд	цент	пуд	тонна	пуд	тонна
1	Самарқанд	4189	4566	1656	1805	101	15,2	51	7,7	423500	6946	84500	1386
2	Каттақўрғон	5820	6344	2704	2947	88	8,0	73	10,9	510570	8373	196495	3223
3	Жиззах	61	67	272	297	123	18,5	71	10,6	7500	123	19175	313
	Жами	10070	10977	4632	5049	104	13,9	65	9,7	941570	15442	300070	4922

1892 йилда Самарқанд вилоятида пахта етиштирилган майдон ҳажми  
(Х.Зиёев маълумотлари)

№	Уездлар номи	Экилган майдон			
		Америка навлари		Маҳаллий навлар	
		десятина	гектар	десятина	гектар
1	Самарқанд	6220	6780	1300	1417
2	Каттақўрғон	2858	3115	3022	3294
3	Жиззах	100	109	295	322
	Жами	9178	10004	4617	5033

қанча машаққатли меҳнат ва диққатни сарф этилишини тасаввур эта олмайдилар”.

Хақиқатан ҳам ўзбек деҳқонлари пахта етиштиришда оддий иш қуроллари ёрдамида машаққатли меҳнат қилганлар.


Пахтадан олинаётган юқори даромад пахта плантацияси раҳбарларига тинчлик бермади. Улар Туркистон ўлкасининг бошқа вилоят ва худдларидаги сингари Самарқанд вилоятида ҳам йилдан-йилга пахта етиштириладиган майдонлар ҳажмини ошириб боравердилар.

Самарқанд вилоятида 1900 йилда жами 16283 десятина (17748 гектар) майдонга пахта етиштирган бўлсалар, бу кўрсаткич 1901 йилда 16547 десятина (18036 гектар)ни ташкил этди. Аммо, озиқ-овқат маҳсулотларини етишмаслиги, уларнинг нархи ошганлиги боис деҳқонлар пахта ўрнига бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиш-

1900-1917 йилларда Самарқанд вилоятида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми

Йиллар	Каттақўрғон уезди		Самарқанд уезди		Жиззах уезди		Жами	
	десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар
1900	10458	11399	4125	4496	1700	1853	16283	17748
1901	10402	11338	4358	4750	1787	1947	16547	18036
1902	8124	8855	2014	2195	1118	1218	11256	12269
1903	4417	4814	1254	1367	871	949	6542	7131
1904	8749	9536	3278	3573	337	367	12364	13477
1905	6982	7610	2148	2341	444	484	9574	10435
1906	6743	7350	1985	2163	229	250	8957	9371
1907	10083	10990	4665	5084	1440	1569	16188	17645
1908	3801	4143	5573	6074	225	245	9599	10463
1909	14225	15505	9901	10792	476	519	24602	26816
1910	13601	14825	4542	4950	510	556	18653	20332
1911	15970	17407	4529	4936	570	621	21069	22965
1912	16413	17890	2370	2583	892	972	19675	21446
1913	19874	21662	2876	3135	1828	903	24578	26790
1914	22478	24501	5873	6402	1121	1222	29472	32124
1915	31213	34022	7846	8552	2188	2385	41247	44959
1916	34156	37230	10149	11062	3153	3437	47458	51729
1917	24765	26994	7419	8087	1994	2173	34178	37254

тирганликлари сабабли 1902, 1903, 1904, 1905, 1906 йилларда вилоятда пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми сезиларли равишда камайиб, майдонлар ҳажми тегишли равишда 11256 десятина (12269 гектар); 6542 десятина (7131 гектар); 12364 десятина (13477 гектар); 9574 десятина (10435 гектар); 8957 десяти-



3-чизма. 1900-1917 йилларда Самарқанд вилоятида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми

на (9371 гектар)ни ташкил этган.

1907 йилдан бошлаб, Самарқанд вилоятида пахта етиштириш яна ўзининг одатий ҳолатига қайтди. 1907 йилда вилоят бўйича 16188 десятина (17645 гектар) майдонга пахта етиштирилган бўлса, 1909 йилда 24602 десятина (26816 гектар), 1913 йилда 24578 десятина (26790 гектар), 1914 йилда 29472 десятина (32124 гектар) майдонни ташкил этган. 1915 ва 1916 йилларда эса вилоят бўйича пахта етиштириш энг юқори даражага етиб, майдонлар ҳажми тегишли равишда 41247 десятина (44959 гектар) ва 47458 десятина (51729 гектар)га етган.

Вилоят бўйича пахта етиштириладиган майдонларнинг қарийб 70-75% улуши Каттакўрғон уезди хиссасига тўғри келган. Пахта етиштиришда энг кам майдон Жиззах уездида бўлиб, бу ерда умумий етиштириладиган пахтанинг 7-8%и етиштирилган ҳолос.

Вилоятда етиштирилган пахтанинг кўриниши ва сифати бир хил бўлмаган. Масалан, Самарқанд вилоятида етиштирилган пахта толасининг узунлиги Фарғона водийсида етиштирилган пахта толасиникидан калтароқ бўлган, шунингдек, дағал бўлиб, тўқимачилик саноатида кўп чиқинди чиқишига сабаб бўлган.

Пахта ҳосили бўйича олинган маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида 1913 йилда 953000 пуд (15629 тонна), 1914 йилда 621000 пуд (10184 тонна), 1915 йилда 1346000 пуд (22074 тонна), 1916 йилда 1123000 пуд (18417 тонна) ва 1917 йилда 826000 пуд (13546 тонна)ни ташкил этган.

Умуман олганда, Самарқанд вилоятида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида пахтачилик соҳаси кенг ривожланди.

1890 йилда Бухоро амриги вилоятларида етиштирилган пахта

миқдори

№	Ўздар	Етиштирилган пахта ҳосили	
		пуд	тонна
1	Шеробод	4000	65,6
2	Қарши	32000	525,0
3	Чирокчи	400	6,5
4	Яккабоғ	1600	26,2
5	Китоб	240	4,0
6	Хатирчи	88000	1443,0
7	Нурота	1600	26,2
8	Ванғоз	20000	328,0
9	Ғиждувон	80000	1321,0
10	Кармана	15000	246,0
11	Ғузор	600	9,8
12	Қорақўл	22000	361,0
	Жами	265440	4353,0

В.И. Масальскийнинг [7] қайд этишича, Бухоро амригида

пахта етиштириш учун имконият жуда кенг бўлиб, 1891-1895 йиллар орасида жами 1,0-1,5 млн. пуд (16400-24600 тонна) пахта толаси

ишлаб чиқарилган.

Демак, ўша даврда пахта толаси чикими 25-27%ни ташкил

этан бўлиса, 1,0-1,5 млн. пуд (16400-24600 тонна) пахта толаси олиш

учун вилоят бўйича йилга 4,0 млн. пуд (65000 тонна)дан 6,0 млн.

пуд (98000 тонна)гача пахта ҳосили етиштирилган.


Бухоро амригида ҳам Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятлари сингари пахтачилик соҳаси кенг тараккий топган. Ўша даврда Бухоро амриги таркибига хозирги Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро каби вилоятлари кирган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида авж олган пахта “талвасаси” Бухоро амригини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айниқса, бунга Кавказорги темир йўлининг қуриб битказилиши ва ўлкага Америка фўза навларини кириб келиши ва уларни иқлимлаштирилиши, тадбиркорлар томонидан хуссий пахта плантацияларининг пайдо бўлиши ҳамда пахта тозалаш заводларининг барпо этилиши асосий сабаблардан бўлди.

Афсуски, Бухоро амригида канча майдонда пахта етиштирилганиги тўғрисида маълумотлар йўқлиги сабабли, баъзи бир маълумотларни келтириб ўтамиз.

Маълумотларга кўра, 1890 йилда Бухоро амригида 265440 пуд (4353 тонна) пахта етиштирилган. Ўли ҳосил бўйича энг юқори кўрсаткич Хатирчи ўзидики кузатилиб, пахта ҳосили 88000 пуд (1443 тонна)ни, ундан кейинги Ғиждувон ўзидики эгалиб, 80000 пуд (1321 тонна) ни ташкил этган. Шунингдек, ўшбу кўрсаткичлар Қарши ўзидики 32000 пуд (525 тонна), Қорақўл ўзидики 22000 пуд (361 тонна), Ванғоз ўзидики 20000 пуд (328 тонна), Кармана ўзидики 15000 пуд (246 тонна), Шеробод ўзидики 4000 пуд (65,6 тонна), Яккабоғ ва Нурота ўзидики 1600 пуддан (26,2 тоннадан), Ғузор ўзидики 600 пуд (9,8 тонна), Чирокчи ўзидики 400 пуд (6,5 тонна) ва Китоб ўзидики 240 пуд (4 тонна) пахта ҳосили олинган.





4-чизма. 1890 йилда Бухоро амирлиги вилоятларида етиштирилган пахта миқдори

Мазкур ҳосилни етиштириш учун бир десятинадан 50-60 пуд (8,0-9,5 ц/га) ҳосил олинган тақдирда ҳам 80-90 минг десятина (90-100 минг гектар) майдонга чигит экиш талаб қилинади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўша даврда Бухоро амирлигида жами 90-100 минг гектар майдонда пахта етиштирилган.

Ўша даврларда Бухоро амирлигида ғўзанинг иккита маҳаллий нави, “Малла ғўза” ва “Сефид” ғўза навлари экилган. Маҳаллий халқ Америка ғўза навларини экишга кўп ҳам қизиқмаган. Сабаби, мазкур навларда кўсақларнинг тез ва кетма-кетликда пишиб етилиши, уларни тезликда йиғиб олиш ишларида қийинчиликларни пайдо бўлиши бу навга бўлган қизиқишни пасайтирган.

В.И.Масальский [8] томонидан келтирилган манбаларга кўра, 1888 йилда Россиялик дипломатларнинг Бухоро амири билан ўзаро келишувига кўра, Амударё бўйидан 1000 десятина (1090 гектар) ўзлаштирилмаган ерни олиб, Америка ғўза навларини экадилар. Аммо, уларнинг бу уринишлари самара келтирмайди. Боиси, ёзнинг

бошларида Амударёнинг ўзанидан тошиб кетиши оқибатида олинган ғўза ниҳолларини барчаси нобуд бўлади. Мазкур ҳолат яна такрорланмаслиги учун Амударё соҳили бўйлаб тегишли жойларга дамба ва тўғонлар қурилади. 1889 йилда 272 десятина (296 гектар) майдонга яна чигит экилади. Лекин, бу сафар ҳам тупрок ва кумлардан қилинган дамба ва тўғонлар Амударё тошқинига дош беролмайди, ниҳолларнинг барчаси нобуд бўлади. Худди шундай ҳолат Амударёнинг нариги соҳилида русларнинг бошқа бир тадбиркори томонидан ташкил этилган 200 десятиналик (218 гектар) плантацияда ҳам содир бўлади.

Ўша даврларда рус тадбиркорларининг “пахта талвасаси” (хлопковая лихорадка) шу қадар кучли бўлганки, кетма-кет икки йилги муваффақиятсизликка қарамасдан 1890 йилда ҳам 150 десятина (163 гектар) майдонга чигит экилади. Бу сафар натижа ёмон бўлмайди.

Таъкидлаш керакки, Бухоро амирлиги вилоятларида шу тарика аста-секинлик билан Америка ғўза навлари экиладиган майдонлар ҳажми кенгая боради.

Умуман олганда, ўша йилларда Бухоро амирлигига тегишли бўлган вилоятларда пахтачиликни ривожлантиришда тамал тоши кўйилади. Гарчи маҳаллий аҳоли Америка ғўза навларини экмаган бўлсада, маҳаллий навлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникасини яхши ўзлаштириб олади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Хива хонлигидаги маҳаллий туб аҳолининг қишлоқ хўжалиги ишларини олиб бориши ва унга бўлган муносабат Туркистон ўлкаси ва Бухоро

амирлигидаги меҳнатга бўлган муносабатдан ўзгачароқ бўлган. Гарчи ўша даврларда Ўрта Осиё бўйича пахтачиликда Америка ғўза навлари иқлимлаштирилган бўлиб, пахта етиштириладиган майдоннинг асосий қисмига экилган бўлсада, Хива хонлигида бунга жуда ёмон муносабатда бўлишган. Бунга асосий сабаблардан бири маҳаллий аҳолини янгиликка унчалик ишонмаслиги ҳамда хунармандчиликни маҳаллий ғўза навларига боғлиқлиги ҳисобланган. Ўша даврлардаги қоғоз ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, Хива хонлигида етиштирилган пахта толасидан ишланган қоғоз нисбатан оқ, ипаксимон майин бўлиб, сифати жиҳатидан бошқа қоғозлардан устун турган.

Хива хонлигида деҳқончилик юритишда маҳаллий аҳоли томонидан деҳқончилик қилинадиган ер майдони суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар кам бўлганидан 5 танобдан 8 танобгача бўлган<sup>3</sup>. Ундан ортиқ бўлмаган. Аҳоли ўз ер майдонларига буғдой, жўхори, тарик, кунжут, қовун, пиёз, сабзи ва бошқа сабзавот экинлари экишган, агар ер ортиб қолса, қолган қисмига пахта етиштиришган. Улар мазкур майдонларда ўзларини кучлари ёрдамида деҳқончилик юритишган. Фақат бой ва амалдорлар нисбатан каттароқ ер майдонларига эга бўлиб, кўшимча куч сифатида мардикорлардан фойдаланишган.

Хива хонлигида хоҳ кичик, хоҳ катта ер бўлсин, ер эгалари ўзларидаги ернинг фақат 10%ига пахта етиштиришган, қолган қисмига юқорида келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган. Тўғри, ҳамма вақт ҳам шундай бўлмаган, масалан,

<sup>3</sup> 1 таноб- 0,25-0,26 гектарга тенг.

Ҳазораспда умумий майдоннинг 4%ига пахта етиштирилган бўлса, Урганчда эса бу кўрсаткич 24%ни ташкил этган.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида пахтачилик ва унинг ривожланиши тўғрисида маълумотлар кам бўлганлиги туфайли юқорида келтирилган маълумотлар билан чекланамиз.

Туркистон ўлкасида пахтачиликни ривожланиши, ундан келаётган даромад, Чор Россияси учун керак бўладиган пахтани қарийб 70%и Ўрта Осиёда етиштирилган пахта ҳисобига тўғри келаётганлиги Чор ҳукумати амалдорларини бу ўлкада пахта етиштиришга бўлган қизиқишини аввалгидан ҳам кучайтирди.

Маълумотларга кўра, 1888-1917 йиллар давомида Туркистон ўлкасида пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб борган. 1888 йилда пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми 74850 гектарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1896 йилга келиб, 188873 гектарни, 1901 йилда 283414 гектарни ташкил этган.

Гарчи кейинги икки йилда 1902-03 йилларда майдон ҳажми нисбатан пасайган бўлсада, бироқ 1904 йилга келиб 385693 гектарни ташкил этди. Кейинги 8 йил мобайнида пахта етиштириладиган майдонлар 280-320 минг гектар ҳажмда ушлаб турилган бўлиб, 1913 йилдан бошлаб яна ошиб борган. 1917 йилда бу кўрсаткич миллион гектардан ошиб 1023950 гектарни ташкил этган. Бу эса пахта майдонларини 29 йил (1888-1917 йй.) давомида қарийб 14 баробарга кўпайганлигини англатади.


Таъкидлаш керакки, Туркистон ўлкаси бўйича энг кўп пахта Фарғона водийсида етиштирилган бўлиб, 1916-1917 йилларда ғўза парвариш қилинган майдон 360000-380000 гектарни ташкил этган.

1888-1917 йилларда Туркистон ўлкасида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми  
(Х.Зиёев маълумотлари)


№	Йиллар	Фарғона vodiysi		Сирдарё вилояти		Самарқанд вилояти		Жами	
		десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар	десятина	гектар
1	1888	34689	37811	25841	28167	7980	8698	68670	74850
2	1889	50716	55280	25841	28167	9265	98170	85922	93655
3	1890	51141	55743	23500	25615	17348	18909	92889	101249
4	1891	66294	72260	15480	16873	20643	22500	103717	113051
5	1892	89784	97864	23490	25604	24844	27080	139818	152401
6	1893	85300	92977	31500	34335	21488	23422	142288	155093
7	1894	82300	89707	13900	15151	16412	17889	116452	126932
8	1895	100701	109764	14104	26797	15223	16593	142527	155354
9	1896	128726	140311	14308	15595	18144	19776	173278	188873
10	1897	116802	127314	14512	15818	16142	17594	158456	172717
11	1898	106230	115790	14716	16040	17132	18673	152078	165765
12	1899	135283	147458	14920	16262	23370	25473	185073	201729
13	1900	186526	203313	15123	16484	22825	24879	234274	255358
14	1901	210279	229204	15327	16706	23407	25513	260013	283414
15	1902	174216	189895	15530	16927	16343	17813	222089	242077
16	1903	149056	162471	11019	12010	9312	10150	191887	209156
17	1904	186828	203642	17812	19415	18307	19954	353847	385693

— 68 —


18	1905	166789	181800	13302	14499	18737	20423	191111	363110
19	1906	189869	206957	24366	26558	13937	15191	254647	277565
20	1907	199994	217993	32125	35016	15521	16918	288640	314617
21	1908	190884	208063	28007	30527	21683	23634	282574	308005
22	1909	208053	226777	31463	34294	31269	34083	301785	328945
23	1910	35891	39121	35875	39103	25224	27494	324190	353367
24	1911	268317	292465	49268	53702	28666	31246	83281	90776
25	1912	255566	278566	64450	70250	29130	31751	319465	348216
26	1913	274897	299637	76726	83631	31758	34616	426381	464755
27	1914	283000	308470	84399	91994	30846	33622	460505	501950
28	1915	333525	363542	74050	80714	55573	60574	520614	567469
29	1916	348469	379831	64535	70343	60305	63732	533671	581701
30	1917	286699	312501	56134	61186	42004	45784	939404	1023950




5-чизма. 1888-1917 йилларда Туркистон ўлкасида пахта егштирилган майдонлар ҳажми



6-чизма. 1888-1917 йилларда Самарқанд вилоятида пахта егштирилган майдонлар ҳажми.



7-чизма. 1888-1917 йилларда Сирдарё вилоятида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми.



8-чизма. 1888-1917 йилларда Фарғона vodiёсида пахта етиштирилган майдонлар ҳажми.

1886-1923 йилларда Туркистон ўлкасида етиштирилган пахта  
толаси

№	Йиллар	Пахта толаси миқдори, пуд	Пахта толаси миқдори, тонна
1	1886	300000	4920
2	1887	700000	11480
3	1888	1100000	18040
4	1889	1500000	24600
5	890	600000	9840
6	1891	-	-
7	1892	3000000	49200
8	1893	3600000	59040
9	1894	2600000	42640
10	1895	2900000	47560
11	1896	3200000	52480
12	1897	4700000	77080
13	1898	4400000	72160
14	1899	4646000	76194
15	1900	4960000	81344
16	1901	6880000	112832
17	1902	6012000	98596
18	1903	5644000	92561
19	1904	6403000	105009
20	1905	5458000	89511
21	1906	9013000	147813
22	1907	10547596	172980
23	1908	9270304	152032
24	1909	8300000	136120
25	1910	11600000	190240
26	1911	11409000	187107
27	1912	13642000	223728


28	1913	13311000	218300
29	1914	16091000	263892
30	1915	20518000	336495
31	1916	14900000	244360
32	1917	7846000	128674
33	1918	1250000	20500
34	1919	125000	800
35	1920	525000	8610
36	1921	400000	6560
37	1922	660000	10824
38	1923	6300000	103320
	Жами	212.901.900	3.491.591

Бу кўрсаткичлар Сирдарё вилоятида 80000-90000 гектарни, Самарқанд вилоятида эса 40000-60000 гектарни ўз ичига олган.

Бу орада Туркистон ўлкасида пахтачилик билан шуғулланувчи корхоналар, фирмалар пайдо бўлди, пахта тозалаш ва мой ишлаб чиқариш заводлари барпо этилди. Пахта етиштиришда иш қуроллари ҳам такомиллаша бошлади. Айниқса, Чор Россияси ва Ўрта Осиё ўртасида энг арзон ва қулай ҳисобланган транспорт воситаси-темир йўлнинг қурилиб, ишга туширилиши Туркистон ўлкасида ғўза асосий экин бўлиб қолишига замин яратди.

Манбалардан [6] олинган маълумотларга кўра, 1886 йил ва 1923 йиллар орасида, 37 йил мобайнида Туркистон ўлкасидан 212 млн 901 минг 900 пуд (3 млн. 491 минг 591 тонна) пахта толаси Чор Россиясига олиб чиқилган.

XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда пахта экини майдони икки мартага ошди. Бунга сабаб асосан Ўрта Осиёда етиштирилаётган Америка ғўза навларининг иқлимлаштирилиши



9-чизма. 1886-1923 йилларда Туркистон ўлкасида етиштирилган пахта толаси

ва мазкур навлар Ўрта Осиё иқлимига тўла мос тушиб, юқори пахта ҳосили ҳамда сифатли тола бераётганлигида эди.

Олинган маълумотларга кўра, олиб чиқилган пахта толаси 1886 йилда 4920 тоннани ташкил этган бўлса, 1887 йилга келиб ушбу кўрсаткич 11840 тоннани ташкил этган. Пахта етиштириш ва уни Чор Россиясига олиб чиқишда юқори кўрсаткичлар 1906 йилдан бошланган. Ушбу йилда бу кўрсаткич 147813 тоннани ташкил этган бўлса, 1907 йилда 172980 тоннани, 1910 йилда 190240 тоннани, 1914 йилда 236892 тонна бўлган. Туркистон ўлкасида 37 йил ичида пахтачиликни энг юқори босқичи 1915 йилда кузатилиб, 336495 тонна миқдорида пахта толаси етиштирилган. Ўша даврларда Туркистон ўлкасида етиштирилган пахтани 80%идан кўпроғи Чор Россиясига олиб чиқиб кетилган. Бу вақтда Биринчи жаҳон уруши муносабати билан Россияга Америкадан пахтани узлуксиз келтиришнинг имкони бўлмаган. Бу Ўрта Осиё пахтасига бўлган эътиборни янада оширган. Шундан сўнг пахта етиштириш ва уни олиб чиқиш кўрсаткичлари пасая бориб, 1916 йилда 244360 тоннани, 1917 йилда 128674 тоннани, 1918 йилда 20500 тоннани, хатто 1919 йилга келиб 800 тоннани ташкил этган. Менимча, мазкур фаолиятни пасайиши Туркистон ўлкасида пахтани қайта ишлаш заводлари сонини кўпайиши ва пахтани шу ернинг ўзида қайта ишлаш йўлга қўйилганлиги ҳамда ўша йилларда кечган сиёсий воқеалар билан боғлиқ бўлган бўлса керак.

Шу ўринда ўша даврларда Туркистон ўлкасида дастлабки пахта тозалаш заводларини барпо этиш бўйича бажарилган ишларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Манбаларга кўра, [15] Туркистонда буғ машинаси ёрдамида ишлайдиган биринчи пахта тозалаш заводи 1874 йили Тошкентда барпо этилган. Бир неча йилдан кейин мазкур типдаги заводлар Андижон, Каттакўрғон, Самарқанд, Марғилон, Қўқон ва Наманганда қурилган. Заводларда барча ишлар қўлда бажарилган.

Туркистон ўлкасида пахта етиштириладиган майдонлар кенгайган сари пахта тозалаш заводларининг сони ҳам ортиб борган. 1913 йилда ўлканинг Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 208 та камқувватли пахта заводи мавжуд бўлиб, уларда 8000 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилган.

1918 йилга келиб пахта саноатини миллийлаштириш жараёнида 296 та пахта тозалаш заводидан 120 таси қисман механизациялаштирилган. Қолганлари эса қўл меҳнатига асосланган. Орадан уч йил ўтгач эса, турли сабабларга кўра, атиги 16 та пахта заводи қолган.

Ўша даврда Туркистонда пахтани қайта ишлайдиган корхоналар учун ускуналар ишлаб чиқариладиган машинасозлик заводлари бўлмаган. Фақатгина 1927 йили Тошкентда биринчи машинасозлик заводи ишга туширилгач, пахта майдонлари ҳам бирмунча кенгайган. Ўша йиллари Ўзбекистон бўйича 543.2 минг гектарга пахта экилиб, ҳосилдорлик гектарига 10.52 центнерни ташкил қилган. Бу ҳосилни ўз вақтида сифатли қайта ишлаш учун юқори қувватли пахта заводлари зарур бўлган ва 1928 йилга келиб, Ўрта Осиёдаги пахта тозалаш заводлари сони 62 тага етган.

Энди эътиборингизни Туркистон ўлкасида пахта сиёсатини

нақадар кучли бўлганлигини 1916 йилда ўлкада қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш салмоғи бўйича келтирилган маълумотларга қаратамиз.

Олинган маълумотларга кўра, 1916 йилда Туркистон ўлкасида жами 1 миллион 342 минг 994 гектар суғориладиган майдонда деҳқончилик юритилган. Шундан 581614 гектар, ёки жами майдоннинг 43,3 %ига пахта, 172547 гектари (12,8 %) га арпа, 167258 гектари (12,4 %) га шולי, 107560 гектари (8,0 %) га полиз экинлари, 74672 гектар (5,5 %) га тарик, 66410 гектари (4,9 %) га жўхори, 57397 гектари (4,2 %) га маккажўхори, 33028 гектари (2,4 %) га сули, 52320 гектари (3,9 %) га боғ ва узумзорлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган.

Кўриниб турибдики, экинлар ичида ғўза етакчи ўринни эгаллаб, суғориладиган майдонларни қарийб ярмига пахта етиштирилган. Ачинарлиси шундаки, пахта майдонларини кенгайиши янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳисобига эмас, балки олдиндан фойдаланиб келинган майдонлар ҳисобига бўлган. Бу эса Туркистон ўлкасида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган танқисликни келтириб чиқариб, маҳсулот нархи ошиб бораверган.

Чор Россиясида 1917 йилда юзага келган сиёсий вазият нафақат Чор Россияси иктисодига, балки Туркистон ўлкасига ҳам бевосита ўз таъсирини намоён этди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида салбий ўзгаришлар бўй кўрсата бошлади. 1918 йилга келиб пахтачилик ва унга боғлиқ бўлган бир қатор соҳаларда жиддий ўзгаришлар юз берди. Барча турдаги хусусий завод ва фабрикалар давлат ихтиёрига ўтказилди. Қоғоз ишлаб чиқариш тўх



Туркистон ўлкасида 1916 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик  
экинлари етиштирилган майдонлар  
(Х.Зиёев маълумотлари)

№	Қишлоқ хўжалик экин турлари	Десятина	Гектар
1	Ғўза	533614	581701
2	Арпа	158300	172547
3	Шоли	153448	167258
4	Тариқ	68507	74672
5	Жўхори	60927	66410
6	Маккажўхори	52658	57397
7	Боғлар ва узумзорлар	48000	52320
8	Полиэ экинлари	98679	107560
9	Сули	30301	33028
10	Кўноқ	6742	7348
11	Дуккакли экинлар	6846	7462
12	Кунжут	6846	7462
13	Зиғир	4195	4572
14	Бошқа экинлар	3042	5780
Жами		1232105	1342994

Изоҳ: Булардан ташқари 824903 десятина (899144 гектар) сугорилмайдиган майдонга кузги ва баҳорги бугдой етиштирилган.

таб қолди. Пахта етиштириш ишларида ҳам кескин пасайиш кузатилди. Пахта етиштириладиган майдонлар кескин қисқариб кетди. Пахта савдоси билан шуғулланадиган аксарият компаниялар ўз фаолиятини тўхтатди. Барча турдаги ерлар деҳқонларга тақсимлаб берилди.

Манбалардан [6] олинган маълумотларга кўра, 1922 йилда 5,5 млн. аҳолиси бўлган Туркистон ўлкасидаги мавжуд 2,5 миллион десятина (2,75 миллион гектар) сугориладиган майдон 1,5 миллион нафар ер эгаларига тегишли бўлган. (бунда ҳар бир ер эгасига ўртача 1,6 десятина, яъни 1,8 гектар майдон тўғри келади). Қолган 4,0 млн. аҳолидан ёши етган ва ишга яроқли бўлган 2,0 млн. нафар фуқаролар ер мулкдорларида иш юритишган.

Умуман олганда, мамлакатда руй берган сиёсий вазият юқорида келтирилганидек, пахтачилик соҳасига катта путур етказди. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, 1915-16 йилларда пахта экиладиган майдонлар ҳажми 550-580 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1922 йилда бу кўрсаткич 51428 десятина (56056 гектар)га тушиб кетган эди. Бунда мазкур майдонлардан жами 1296000 пуд (21254 тонна) ялпи пахта ҳосили олинди, ҳосилдорлик ҳар гектар майдондан ўртача 4,1 центнерни ташкил этган.

Янги ҳукуматнинг 1918 йил 17 майдаги «Туркистонда ирригация ишларини ташкил этиш ҳақида» декрети қабул қилинди. Ушбу декретга мувофиқ Мирзачўлда, Далварзин ва Учқўрғон даштларида қарийб 600 минг десятина (654 минг гектар) ерга сув чиқариб деҳқончилик қилиш учун ирригация қурилиши бошланди.

Бундан ташқари, мамлакатда пахтачиликни қисқа муддат ичида тиклаш ва тез суръатлар билан ривожлантириш тадбирлари белгилаб берилди. Шу декрет асосида пахтакорлар учун қатор қулайликлар белгиланди, деҳқончилик маданиятининг калити бўлган алмашлаб экишни пахтакор хўжаликларда жорий этиш, илгариги тажриба станцияларини қайта тиклаш, шунингдек янги тажриба далалари ва

селекция станциялари барпо этиш, пахтачиликни илмий асосда олиб бориш масалалари кун тартибига қўйилди [11].

Хукумат томонидан қабул қилинган мазкур қарордан кейин дастлабки бажарилган иш тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш бўлди. Зеро, Чор Россияси даврида пахтачилик соҳаси юқори даромад келтиргани сабабли, аксарият далаларда фақат пахта экилавергани сабабли, пахта монокультура даражасига чиқиб, тупроқлар унумдорлиги пасайиб кетган эди.

Шу нуқтаи-назардан тупроқ унумдорлигини тиклаш ҳамда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаш мақсадида Туркистоннинг суғориладиган майдонларида экинларни алмашлаб экиш ишлари йўлга қўйилди. Экинларни алмашлаб экишда асосий экин ғўза ҳисобланиб, қолган экинлар ғўзага ўтмишдош сифатида экилган.

Қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишга қаратилган бўлсада, аҳолини кунлик ишлатадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари берадиган экинлар ҳам назардан четда қолмаган.

Алмашлаб экиш тизимларида асосан ғўзадан ташқари бугдой, мош, маккажўхори каби озиқ-овқат экинлари ҳам етиштирилган. Алмашлаб экиш далалари асосан 4, 5 далали бўлиб, ғўзага ўтмишдош экин сифатида беда биринчи йили кузги бугдой билан қўшиб экилиб, 2 ва 3-йиллари, баъзи йилларда 4-йили алоҳида парвариш қилинган, бундан ташқари, кузги бугдой+мош ҳам етиштирилган.

1920 йилларнинг бошида Туркистонда қишлоқ хўжалик экинларини

алмашлаб экиш

Йиллар	1-дала	2-дала	3-дала	4-дала
1921	3-йил беда	ғўза	ғўза	к.бугдой+ беда
1922	ғўза	ғўза+ гўнг	бугдой+ мош	2-йил беда
1923	ғўза	к.бугдой+ беда	ғўза	3-йил беда
1924	бугдой+ мош	2-йил беда	ғўза+ гўнг	ғўза
1925	ғўза	3-йил беда	к.бугдой+ беда	ғўза
1926	ғўза+ гўнг	ғўза	2-йил беда	к.бугдой+ мош
1927	к.бугдой+ беда	ғўза	3-йил беда	ғўза
1928	2-йил беда	к.бугдой+ мош	ғўза	ғўза+ гўнг
1929	3-йил беда	ғўза	ғўза	к.бугдой+ беда

Экинларни жойлаштиришда ғўза 3-йиллик бедадан сўнг икки йил экилиб, 3-йили ғўзани парвариш қилишда гўнг ишлатилган ёки беда экилган далага 5 йилдан сўнг яна беда экилган. Экинлар орасида маккажўхори ҳам экиб турилган. Бунда алмашлаб экиш тизимлари қуйидагича кўриниш олган: 1 кузги бугдой + беда : 2 беда : 2 ғўза : 1 кузги бугдой + мош; 2 ғўза + гўнг : 1 кузги бугдой + беда, ёки 1 кузги бугдой + беда : 2 беда : 3 ғўза + гўнг : 1 маккажўхори : кузги бугдой + мош : 1 ғўза кўринишида бўлиб, 9 ва 13 йиллик тизимга эга бўлган.

1920 йилда Туркистонда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш

Йиллар	1-дала	2-дала	3-дала	4-дала	5-дала
1921	к.бугдой+ беда	ғўза	макка-жўхори	ғўза	3-йил беда
1922	2-йил беда	макка-жўхори	к.куғдой+ мош	ғўза+ гўнг	ғўза
1923	3-йил беда	к.бугдой+ беда	ғўза	макка-жўхори	ғўза
1924	ғўза	2-йил беда	макка-жўхори	к.куғдой+ мош	ғўза+ гўнг
1925	ғўза	3-йил беда	к.бугдой+ беда	ғўза	макка-жўхори
1926	ғўза+гўнг	ғўза	2-йил беда	макка-жўхори	к.бугдой+ мош
1927	макка-жўхори	ғўза	3-йил беда	к.бугдой+ беда	ғўза
1928	к.бугдой+ мош	ғўза+ гўнг	ғўза	2-йил беда	макка-жўхори
1929	ғўза	макка-жўхори	ғўза	3-йил беда	к.бугдой+ беда

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда ер ва сув ресурслари муҳим ўрин тутди. Шу сабабдан XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг бошлари ва 20-йилларда Туркистонда сув таъминоти тўғрисида қичқача маълумот бериб ўтамыз.

Ҳозирги каби 100 йил олдин ҳам, 150 йил олдин ҳам юртимизда сув танқислиги қишлоқ хўжалик экинларидан мўлжалланган хосилни олишда турли муаммолар яратган. Ёғингарчилик миқдори йилига 225 мм.дан 325 мм, буғланиш миқдори йилига 1200 мм. бўлган Туркистонда қишлоқ хўжалик

1920 йилда Туркистонда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш

Йиллар	1-дала	2-дала	3-дала	4-дала
1921	4-йил беда	ғўза	макка-жўхори	к.бугдой+ беда
1922	ғўза	макка-жўхори	бугдой+ мош	2-йил беда
1923	ғўза	к.бугдой+ мош	макка-жўхори	3-йил беда
1924	ғўза+ гўнг	макка-жўхори	к.бугдой+ беда	4-йил беда
1925	макка-жўхори	к.бугдой+ мош	2-йил беда	ғўза
1926	к.бугдой+ мош	макка-жўхори	3-йил беда	ғўза
1927	макка-жўхори	к.бугдой+ мош	4-йил беда	ғўза+ гўнг
1928	к.бугдой+ гўнг	1-йил беда	ғўза	макка-жўхори
1929	макка-жўхори	2-йил беда	ғўза	к.бугдой+ мош
1930	к.бугдой+ беда	3-йил беда	ғўза+ гўнг	макка-жўхори
1931	2-йил беда	ғўза	макка-жўхори	к.бугдой+ мош
1932	3-йил беда	ғўза	к.бугдой+ мош	макка-жўхори
1933	4-йил беда	ғўза+ гўнг	макка-жўхори	к.бугдой+ беда

экинларини сунъий суғориш талаб қилинган.

Ҳ.Зиёевнинг [5] маълумотларига кўра, Чор Россияси пахта етиштириладиган майдонларни кўпайтириш илинжида Туркистон ўлкасида сунъий суғориш ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратган. Ўша вақтларда ҳам Сирдарё, Амударё, Зарафшон

ва Чирчиқ дарёлари катта сув манбалари сифатида аҳамиятга бўлган. Дастлабки ишлар Мирзачўлдан бошланиб, 1869 йилда 40 минг десятина (43600 гектар) майдонни суғориш ишлари бошланган. Лекин, маблағ етарли бўлмаганлиги боис, 13 чақирим (13 км 78 метр) масофада канал қазилганидан сўнг ишлар тўхтаб қолган.

Аммо, 1881 йилда Н.К.Романовский Чирчиқ дарёсидан 50 чақирим (50 км. 300 метр) узунликда канал қазитиб, унга “Искандарбек” номини берган. Мазкур канал 4513 десятина (4919 гектар) майдонни суғориш қувватига эга бўлган. Бундан ташқари, Чирчиқда “Хоним” номли 65 чақирим (65 км. 390 метр) узунликдаги канал қазилиб, у 3215 десятина (3504 гектар) майдонни суғоришга мўлжалланган. Н.К.Романовский бу ишлар билан чегараланиб қолмай 1891 йилда Мирзачўлда “Хива” каналини қурдирган. Бу канални узунлиги 90 чақирим (90 км. 540 метр) бўлган.

1900 йилда Мирзачўлнинг шимолий-шарқий томонида 45 минг десятина (49050 гектар) ерни суғоришга мўлжалланган “Николай I” канали қурилиши бошланиб, мазкур канал 1916 йил ишга туширилди. Бу орада 1913 йилда 50 минг десятина (54500 гектар) майдонни суғоришга мўлжалланган канал қуриб битказилди. Шу тариқа 25 йил мобайнида Мирзачўлда магистрал сув канали қуриб битказилди. Бу ишларнинг ҳаммаси Мирзачўлда пахта етиштириладиган майдонлар ҳажмини имкон борича кенгайтиришга қаратилган.

Тошкент воҳасида Чирчиқ ва Охангарон дарёларидан чиқарилган 1725 чақирим (1735 км. 350 метр) узунликдаги 156 та

катта ва кичик ариқлар мавжуд бўлган ва бу ариқлардан 95372 десятина (103955 гектар) майдонни суғоришда фойдаланишган.

Самарқанд вилоятини сув билан таъминлашда Зарафшон дарёси муҳим аҳамият касб этган. Ундан чиқарилган Туяотар, Булунғур, Косон ва Дарғом сингари йирик ариқлар вилоятдаги 130000 десятина (141700 гектар) майдонни суғорган.

Фарғона водийсидаги энг йирик сув манбаларидан бири Норин дарёси Мингбулоқда Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарё номи билан аталган. Қорадарёнинг чап ва ўнг қирғоқларидан Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнор каби жами 8 та ариқлар чиқарилган. Улардан ташқари, тоғлардан тўғридан-тўғри оқиб келувчи Бозорқўрғонсой, Учқўрғонсой, Исфара каби 11 та ариқлар ҳам мавжуд бўлган.

XX асрнинг бошларида Фарғона вилоятида 36 тадан ортиқ суғориш тармоқлари мавжуд бўлган. Исфара, Сўх, Сарикўрғон, Авғон, Вох, Қора-Куржин ва Оққўрғон тармоқлари асосан Қўқон уездини суғорган бўлса, Шохимардон ва Улуғнор ариқлари Марғилон уездини сув билан таъминлаган. Тара, Қоркулжа, Ясси, Когар, Чапкент, Қора-Унгара, Шайдон, Майли-Избоскан ариқлари эса Андижон уездини суғорган.

Норин дарёсидан оқадиган Подшоота, Олабуқа, Ашча, Хрот, Сусар, Кўк серек, Чодак каби ариқлар Наманган уезди майдонларини сув билан таъминлаган. Ушбу ариқлар Фарғона вилоятидаги 798079 десятина (869906 гектар) майдонни суғорган.

Умуман олганда, 1894-1915 йиллар орасида Туркестон ўлкасида суғориладиган майдонлар ҳажми 804420 гектар, яъни 53,4%га кўпайган.

25-жадвал

Туркистон ўлкасида 1894-1915 йиллар оралиғида суғориб  
деҳқончилик қилинадиган майдонларнинг кенгайиши

№	Вилоятлар	1894 йил		1915 йил		Фарқи, га (+, -)
		десятина	гектар	десятина	гектар	
1	Фарғона водийси	620000	675800	1032000	1124880	449080
2	Сирдарё	461000	502490	578000	630020	127530
3	Самарқанд	290000	316100	499000	543910	227810
	Жами	1371000	1494390	2109000	2298810	804420

Маълумотларга кўра, Фарғона водийсида 1894 йилда 620000 десятина (675800 гектар) суғориладиган майдон бўлгани холда 1915 йилда келиб суғориладиган майдонлар ҳажми 1032000 десятина (1124880 гектар)га етган, яъни кейинги 21 йилда 449080 гектарга кўпайган. Худди шундай ҳолатлар Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам кузатилиб, суғориладиган майдонлар ҳажми тегишли тартибда 127530; 227810 гектарга ошган.

Янги ҳукумат даврида, аниқроғи 1922 йилга келиб, Туркистонда 2 млн. 500 минг десятина (2 млн. 725 минг гектар), Бухорода 1 млн. 600 минг десятина (1 млн. 744 минг гектар), Хивада 250 минг десятина (272 минг 500 гектар), жами 4 млн. 350 минг десятина (4 млн. 741 минг 500 гектар) суғориладиган ерлар мавжуд бўлган.

Кўрилган тадбирлар туфайли Туркистонда пахтачилик қайта-



10-чизма. Туркистон ўлкасида 1894-1915 йиллар оралиғида суғориб деҳқончилик қилинадиган майдонларнинг кенгайиши

дан тиклана бориб, 1928 йилда пахта майдонлари урушдан илгариги даражадан ортиб кетди. Ҳукуматнинг 1929 йил 18 июлдаги махсус қарорига асосан пахта майдонларини кенгайтириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва бошқа бир қатор чоралар кўрилди. Жумладан, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация иншоотлари барпо этиш, эски ирригация системаларини қайта лойиҳалаш ҳамда барча сув иншоотларидан унумли фойдаланиш, баъзи шартли суғориладиган ва лалми ерларда ҳам пахта етиштириш йўлга қўйилди. Тарихда биринчи марта саноат учун Шимолий Кавказ, Украина жануби, Қрим, Қуйи Волга ва кейинроқ Молдавияда пахта етиштира бошланди. Янги пахтакор туманларда ғўза лалми экин сифатида етиштирилди. Об-ҳаво қулай келган йиллари гектаридан 3-4 ц дан, баъзи илғор хўжаликларда эса 7-12 ц дан ҳосил олинди. Украинанинг Херсон вилоятида гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили олинди. 1929 йилдан бошлаб саноат учун тола сифати

қимматли бўлган ингичка толали Миср навлари экила бошланди [11].

Ўзбекистонда пахтачилик соҳасини тараққий топиши, ривожланишига оид 1860 йилдан 1930 йилгача бўлган қисқача тарихий маълумотлар шулардан иборат. Энди эътиборингизга пахтачилик илмига ташланган дастлабки қадамлар, ташкил этилган илк “пахта тажриба далалари” “пахта тажриба плантациялари”, “илмий тажриба станциялари”, пахтачилик илмидаги дастлабки қарашлар, баҳс-мунозаралар, олимлар фаолияти, уларнинг пахтачилик илмини ривожлантиришга доир дастлабки ишлари бўйича маълумотларни ҳавола этамиз.

## ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ПАХТАЧИЛИК ИЛМ-ФАНИГА ТАШЛАНГАН ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Туркистон ўлкасида пахтачилик бўйича дастлабки илмий тадқиқот чет эл (Америка) навларини иқлимлаштиришдан бошланган. Мазкур иш 1870 йилда Н.Н.Раевский томонидан бошланиб, у тадқиқотни дастлаб Қримда, Америка ғўза навларини иқлимлаштиришдан бошлаган. Кейинчалик Туркистон ўлкасида давом эттирган. Н.Н.Раевский Туркистон ўлкасидаги мавжуд етиштирлаётган маҳаллий ғўза навлари тўқимачилик саноати талабларига тўлиқ бермаслиги сабабли, ушбу тупроқ-иқлим шароитида Америка ғўза навларини иқлимлаштириш ва шу орқали мамлакатни сифатли пахта хом-ашёси билан таъминлаш имкони мавжудлигини ўзининг кундаликларида кўрсатиб ўтади. У қандай бўлмасин, ўлкада Америка навларини иқлимлаштириб, бошқа жойлардан мутахасислар чақириш, пахта етиштиришга оид тавсия ва қўлланмалар чоп этиш, маҳаллий мутахасислар тайёрлаш, пахта етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, пахта тозалайдиган ва чигитни пахтадан ажратиб оладиган машиналар келтириш ва “Россия ва Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш комитети”ни тузиш каби таклифларини беради.

Америка ғўза навлари юқорида келтириб ўтилганидек, маҳаллий ғўза навларидан фарқли равишда баланд бўйли (80-100 см), кенг барғли, ҳосил шохлари ҳамда кўсаклар сонини кўплиги, толасининг сифат кўрсаткичларини юқорилиги бўйича ажралиб турган, пахтани чаноқларни ўзидан териб олиш имкони бўлган.

Америка ғўза навларининг ана шундай ижобий сифатларини Чор Россияси тўқимачилик саноатига мос келиши ҳамда Ўрта Осиё худудларининг ер шарида жойлашиши бўйича кенглик ва узунликлараро Шимолий ва Марказий Америка худудлари иқлимига тўлиқ мос тушиши пахта етиштирувчиларнинг Ўрта Осиёга Америка ғўза навларини олиб кириб иқлимлаштиришга асос бўлди.

Албатта, иқлимлаштириш ишларини амалга ошириш учун илм-фанга суяниб иш кўришни зарур деб топган Чор Россияси ҳукумати Ўрта Осиёда Америка ғўза навларини иқлимлаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсияларни қабул қилди. Билдирилган фикр ва таклифлар ортидан 1871 йилда Туркистон ўлкасининг Тошкент ва Самарқанд вилоятларида агроном А.Вилькинс томонидан пахтачилик бўйича дастлабки тажриба плантациялари ташкил этилди ва Америкадан “*Cи-айленд*” ғўза навлари олиб келиб экилди. Бу орада А.Вилькинс ва Америкада малакасини ошириб қайтган Г.Самойлевскийлар мазкур тадқиқот ишларига раҳбар этиб тайинланди [5].

Дастлабки йилларда пахта тажриба плантацияси учун 15 десятина (16,35 гектар) ер ажратилиб, биринчи йилда ушбу майдондан 30 пуд (492 кг) уруғ етиштирилди. Олинган уруғларни бир қисми тажриба плантациясида олиб қолиниб, қолган уруғлар эса пахта етиштириш учун деҳқонларга текинга бўлиб берилди.

Тадқиқотнинг дастлабки йилларидаёқ Америкадан “*Cи-айленд*” типига кирувчи биринчи бор олиб келинган ғўза навлари кечпишарлиги ва фойдали ҳароратнинг етарли олмаганлиги сабаб-

ли кўсақлари пишиб етилмади ва кўзланган натижани бермади. Шу сабаблар боис, кейинги йилларда мазкур ғўза навлари устида тадқиқот ишлари олиб борилмади.

М.П.Федоровнинг 1898 йилда чоп этилган “Ўрта Осиё пахтачилиги” асарида Ўрта Осиё Экспедицияси аъзоларининг кўйидаги хулосаларини келтиради: “Тажриба плантациясида синовдан ўтказилган ғўза навларидан фақатгина “*Упланд*” (*Upland*) типига кирувчи ғўза навлари Ўрта Осиё тупроқ иқлим шароитига мос келади. Океания ва экваториал типга кирувчи Американинг “*Cи-айленд*” ва Мисрнинг “*Jumel*” ғўза навлари бу шароитга мутлақо мос келмайди”.

Ҳақиқатан ҳам, “*Упланд*” типига кирувчи Америка ғўза навлари Ўрта Осиё иқлимига тўла мос тушиб, ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили ва толасининг сифати бўйича ижобий натижалар берди. Ҳаттоки, мазкур навларнинг уруғларини кўпайтириш учун Чор Россиясининг йирик тадбиркорлари жалб этилди. Кейинчалик, 1875 йилда Америка ғўза навлари Тошкентда Мулла Йўлчи Тўйчибоев томонидан экилган. Бундай ҳаракатлар 1878 йилда Бухоро, Андижон, Наманган, Қўқон ва Марғилонда ҳам амалга оширилган [9].



XIX асрнинг 80-йилларида пахта ҳосилини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун маҳаллий жайдари ғўза (*Г. Ҳербацеум*) навлари ўрнига Марказий Америкадан “*Упланд*” типига кирувчи Мексика (*Г. Ҳирзутум*) ғўза навларининг уруғи келтириб экилди. Пахта хом-ашёсини ташиб кетиш ва ғалла ҳамда бошқа маҳсулотлар

олиб келиш учун Красноводскдан Самарқандгача темир йўл курилди [10].



В.И.Масальскийнинг [7] маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрининг атрофларида Беляковнинг 620 десятина (675,8 гектар), Тарсиннинг 220 десятина (239,8 гектар), Малининнинг 500 десятина (545 гектар) умуман, Тошкент бўйича пахта етиштириладиган 4000 десятина (4360 гектар) майдон бўлган. Мазкур майдонларга “Упланд” типига кирувчи Мексика (*Г. Хирзутум*) гўза навларидан Нею Орлеанс, Лихон Дунканс, Мастадан, Профилис сингари гўза навлари экилган.

Туркистон ўлкасининг Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилган пахта тажриба плантациясининг фаолияти 13 йил, 1884 йилгача давом этди. Аммо, шу қисқа давр ичида А.Вилькинс томонидан Ўрта Осиё тупроқ ва иқлим шароитларига мос, юқори ва сифатли ҳосил берадиган “Упланд” типига кирувчи Америка гўза навлари танлаб олинди ва иқлимлаштирилди.

А.Вилькинс томонидан 1892 йилда чоп этилган “Краткая сведения о результатах культуры на Ташкентской Опытной хлопковой плантации” асарида шундай жумлалар келтирилган: “Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган пахта тажриба плантациялари Ўрта Осиёга мос гўза навларини танлаш ва иқлимлаштириш борасида баъзи бир масалалар ўз ечимини тўлиқ топмаганлиги, шу ҳудудга мос, юқори ва сифатли тола берувчи гўза навларини иқлимлаштириш ишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги учун ушбу тажриба плантацияларининг фаолияти тугатилди”. Шундан сўнг генерал Н.О.Розенбах томонидан Туркис-



А.Вилькинсининг Тошкентдаги “Пахта тажриба плантацияси”дан олинган пахтачилик бўйича ёзилган дастлабки ҳисоботи, 1892 йил, Тошкент.



М.П.Фёдоров томонидан “Хлопководство в Средней Азии” номли пахтачилик бўйича ёзилган дастлабки китоб, 1898 йил, Санкт-Петербург.



тон ўлкаси учун Америка навларини танлаш ва икклимлаштириш ишларини илмий томондан янада чуқурроқ ўрганиш, пахта етиштирувчиларга кўпроқ Ўрта Осиё тупроқ иклимига мос, серҳосил ва тола сифати юқори бўлган ғўза навларини етказиб бериш, уларни уруғчилигини ривожлантириш, мақбул пахта етиштириш агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш, пахта етиштирувчи плантаторлар талабини тўлиқ қондириш учун 1885 йилда Тошкентда “Тошкент пахта тажриба плантацияси” қайта ташкил этилди” [4].

Пахта етиштирувчиларнинг мазкур талабларини имкон қадар қондириш учун тажриба плантацияси раҳбари ҳар йил якунида олинган илмий натижалар асосида Туркистон пахтакорлари съездида ҳисобот бериб борган. Шундай ишлар натижаси ўлароқ пахта тажриба плантацияси раҳбари 1889 йилда, яъни тажриба плантацияси ташкил этилганининг 4-йили пахта етиштирувчилар учун Америка ва маҳаллий ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш, пахта зараркунандаларига қарши кураш бўйича дастлабки тавсияни ишлаб чиқди.

Олинган 4 йиллик натижалар асосида пахтачилик бўйича чоп этилган дастлабки мазкур тавсияда қўйидагилар хулоса қилинган:

1. Тошкент шароитида пахта етиштиришда чигитни қаторлаб экиш яхши самара беради;
2. Ғўзадан тўлиқ ва соғлом кўчатлар олиш учун чигитни ҳар бир уяга уч донадан экиш талаб этилади;
3. Пахтани парвариш қилишда бошқа қатор оралари ишланадиган экинлар каби агротехник тадбирларни қўллаш зарур;

4. Ғўзани меъёридан ортиқ суғориш ғўзада шохларни ўсиб кетишига (“ғовлаб кетиши” демокчи-муалл.), кўп миқдорда гуллашига, кўсақларни очилишини кечикишига ҳамда тола сифатини пасайишига олиб келади;

5. Тошкент вилояти шароитида чигит экишни энг қулай муддати апрел ойининг ўрталари ҳисобланади;

6. Америка ғўза навларидан “*Си-айленд*” типига кирувчи ғўза навлари Туркистон ўлкаси учун кечпишар нав ҳисобланади;

7. Туркистон ўлкаси учун энг мақбул ғўза навлари “*Упланд*” туркумига кирувчи ғўза навлари ҳисобланади;

8. “*Упланд*” навлари ўғитсиз парвариш қилинганда тола ҳосилдорлиги 16-18 пуд (265-295 кг)ни ташкил этади;

9. Америка ғўза навлари ўзининг ҳосилдорлиги ва толасининг сифати бўйича маҳаллий ғўза навларидан устун туради.

Мана шу хулосалардан кейин пахта етиштирувчиларда Америка ғўза навларига бўлган қизиқиш янада ортиб, уни янада кенгроқ майдонларга эка бошладилар.

Манбаларга кўра, [6] агроном Шахназаров ўзининг “Сельское хозяйство в Туркестане” номли китобида қуйидагиларни келтиради: “...Кейинги йилларда Ўрта Осиёдан чет мамлакатларга чиқарилган пахта миқдори йилдан-йилга ошиб, 1888 йилда 873.000 пуд (14.317 кг)ни, 1889 йилда 1.470.503 пуд (24.116 кг)ни, 1890 йилда 2.673.270 пуд (43.841 кг)ни, 1891 йилда 2.626.110 пуд (43.068 кг)ни, 1892 йилда 3.026.518 пуд (49.635 кг)ни, 1893 йилда 3.445.271 пуд (56.502 кг)ни, 1894 йилда 3.759.649 пуд (61.658 кг)ни ташкил этган”. Манбадаги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, кейинги 6-7

йилда (1888-1894 йй.) Туркистон ўлкасида пахта ишлаб чиқариш суръати кескин ошиб борган. Бу эса Тошкент пахта тажриба плантацияси фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида келтириб ўтилганидек, 1890 йилларнинг охирларида Ўрта Осиёдан пахта хом-ашёсини ташиб кетиш ва ғалла ҳамда бошқа маҳсулотлар олиб келиш учун Красноводскдан Самарқандгача темир йўл барпо этилган эди. Аммо, Фарғона водийси ва Тошкент, Сирдарё вилоятлари учун юкларни ташиш ва олиб киришда бу муаммолигича қолмоқда эди.

Ниҳоят мазкур муаммо 1905 йилда хал этилиб, Фарғона водийси, Андижон ва Фарғона вилоятларига олиб борувчи темир йўл қурилиб ишга туширилди. Орадан 6 йил ўтгандан кейин, 1911 йилда худудларни Тошкент билан боғлайдиган темир йўли қурилиб ишга туширилди. Манбада келтирилишича, Кўкон-Москва йўналишидаги юк поездининг бир томонлама ҳаракатдаги вақт давомийлиги 14 кун бўлган. Бу ҳам Туркистон ўлкасида пахтачилик ҳамда пахтачилик илмини янада шиддат билан ривжланишига катта турки бўлган.

XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида пахта етиштиришда ўтказилган агротехник тадбирлар қандай тартибда олиб борилган мазмунидаги савол ўқувчиларни қизиқтирса керак. Шу нуқтаи-назардан манбаларга таянган ҳолда ўша даврларда пахтани парваришда олиб борилган агротехник тадбирлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Манбаларда келтирилишича, [6] ўша даврларда ерни шудгорлаш ишлари уй ҳайвонлари ёрдамида (от, эшак, хўкиз) иклим

шаронтига қараб асосан баҳор ойларида, айрим ҳолатларда куз ойларида, омов ёрдамида амалга оширилган. Омовнинг вазифаси эса тупрокни ағдармасдан фақат юшатиб кетиш бўлган. Ғўза яхши, меъёрий ишлов берилган тупроқда яхши ўсиб ривожланганлиги учун ерни омов билан 2-3 марта қайта ишлашган. Омов билан ишлашда дала аввал узунасига, сўнгра кўндалангига ҳайдалган. Ер қайта ишланган сари тупроқ қатламлари чуқурлашиб бораверган. Аммо, бунда меҳнат унумдорлиги жуда паст бўлиб, битта омов билан бир киши бир кунда 15-20 сотих майдонга ишлов бера олган ҳолос. Ерни шудгорлаш ишлари тугаганидан сўнг далада бороналаш ишлари ўтказилиб, текисланган. Айрим ҳолларда мола тортилган. Мазкур ишлар якунига етгандан сўнг жўяк олиш ишлари амалга оширилган. Бунда, агар майдон қияликка эга бўлмай текис бўлса, жўяклар тўғри бир қатор ҳолда олинган, мабодо далада қиялик мавжуд бўлса, келгусида ғўзаларни суғоришда далани сув ювиб кетмаслиги учун жўяклар зиг-заг усулида қўл кучи билан кетмонлар ёрдамида олинган. Жўякларни олиш ишлари март ойининг охири, апрел ойининг бошларида ўтказилган. Тупроқда намлик етишмаган ҳолатларда жўяклар суғорилган. Тупроқ етилиши билан экиш ишлари бошланган. Экишда битта уяга 8-10 та чигит ташланиб, экиш меъёри бир десятинага (1,09 гектар) 2-пуддан 4 пуд (33,0 кгдан 66,0 кг)ни ташкил этган.

Таъкидлаш керакки, далани экишга тайёрлаш тадбирларининг барчасида эркаклар, экиш ишларида эса аёллар ҳам ёрдам беришган. Жўякларни олиш мураккаб иш бўлганлиги боис, мазкур тадбир учун эркаклардан махсус гуруҳлар ташкил этилган. Чигитни экиш

ишлари қўл кучи ёрдамида, аксарият холларда об-ҳаво шароитига қараб апрел ойининг боши ва ўрталаридан бошланган. Орадан 10-15 кун ўтиб, чигитлар униб чиққач, битта уяда учтадан ўсимлик қолдириб, ягона ишлари амалга оширилган.

Ўза бутун амал даври давомида иқлим шароити, экиш муддатидан келиб чиқиб, 6-8 марта суғорилган, 3-4 марта қатор ораларига ишлов берилган. Бунда биринчи ишлов ўза ягона қилинганидан кейин, иккинчи ишлов май ойининг ўрталарида, учинчиси эса июн ойининг биринчи ярмида ўтказилган. Қатор ораларига ишлов бериш ишлари қўл кучи билан кетмон ёрдамида амалга оширилган.

Пахтани йиғиб териш олиш ишлари аксарият холларда август ойининг ўрталаридан бошланиб, октябр ойининг охиригача давом этган.

Пахта тажриба плантациясида ўзадан ташқари бошқа-экинларни, жумладан, кендр ёки турка (*Arcyuthum sibiricum*), қанд жўхори (*Sorghum setuuum*), манжурия соргоси, Хитой шолиси, каноп, Хитой қичитқи ўти, Жазоир қовули, бамиа, мойчечак, ерэнгок ва қовоқ сингари экинларни ҳам экиб ўрганишган ва тупроқ иқлим шароитларига мослари танлаб олиниб, тавсиялар берилган.

1884-85 йилларда бир десятина (1,09 гектардан) ердан навларга боғлиқ равишда ўртача 60 пуддан 115 пудгача (9,0 центнердан 17,0 центнергача) пахта ҳосили олинган.

Фаргона водийсида ҳам пахта плантациялари кенгайиб, Марғилонда 80 десятина (87,2 гектар), Кўконда 20 десятина (21,8

гектар), Андижонда 80 десятина (87,2 гектар), Наманганда 100 десятина (109 гектар) ҳажмдаги майдонларда пахта етиштирилган.

Умуман олганда, бу вақтда Туркистон ўлкасида пахта етиштириладиган майдонлар ҳажми 50000 десятина (54500 гектар)ни ташкил этган. Етиштирилган пахта жойлардаги пахта заводларида тозаланган ва тойланган.

Пахтачилик илмини шакллантириш бўйича ташкил этилган дастлабки пахта тажриба плантацияларида иш юритиш юқорида келтирилган тартибда амалга оширилган бўлиб, илмий тажрибалар асосан Америка ўза навларини иқлимлаштириш, синаб кўриш, танлаб олиш ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бошқа экинларни синовдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган.

XIX асрнинг охирилари, аниқроғи 1898-1899 йилларда пахта ишлаб чиқарувчи ишбилармон ва тадбиркорлар пахтадан олинаётган катта фойда ортидан Туркистон ўлкасида пахта майдонларини янада кенгайтириш, янги навларни яратиш, уруғчилик соҳасини ривожлантириш, навлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникаларини ўрганиш масаласида ҳукуматга таклиф билан чиқдилар.

Кейинги 30 йилдан буён (1870 йилдан) Туркистон ўлкасида пахтачиликни кенг тарғиб қилиб, Чор Россияси учун керак бўладиган пахта хом-ашёсини Туркистон ўлкасида етиштириш имкониятлари мавжудлигига ишонган ҳукумат бу таклифга розилик берди.

Манбадан [8] олинган маълумотларга кўра, дастлаб 1900 йилда Сирдарёнинг чап қирғоғида, Ўрта Осиё темир йўлининг ёнида,

Тошкентнинг жанубида, ундан 111 км узоқликда жойлашган Мирзачўл (ЦОМС-муалл., манбада “Голодная степь” деб келтирилган) да 191 десятина (208 гектар) майдонда пахта тажриба даласи (хлопковое опытное поле) ташкил этилди.

Кейинчалик худди шу йилда (1900 йилда) Фарғона водийсининг Андижон уезида, Андижон шаҳридан 2,5 км узоқликдаги масофада, 21,5 десятина (23,5 гектар) майдонга эга бўлган Андижон пахта тажриба даласи ташкил этилди.

Мазкур иккала пахта тажриба далаларининг ташкил этишдан мақсад, ғўза навларини синаш, иқлимлаштириш, янги навларни яратиш, ғўзани парвариш қилиш агротехикасини ўрганиш (суғориш, ўғитлаш, қатор ораларига ишлов бериш ва х.к), маҳаллий аҳолига ғўза ўсимлиги тўғрисида тушунчалар бериш, пахтачиликда янгидан яратилган қишлоқ хўжалик техникалари билан таништириш ҳамда улар билан ишлаш жараёнларини ўргатишдан иборат бўлган.

Орадан икки йил вақт ўтиб, 1902 йилда Туркистон ўлкасида биринчи бор Тошкент шаҳрининг шимолида, ундан 13 км узоқликдаги масофада “Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси” ташкил этилди. Ўша вақтда тажриба станциясининг майдони 66 десятина (72 гектар)ни ташкил этган.

Тажриба станциясининг фаолияти қуйидаги вазифаларни ўз ичига олган:

1. Ғўза навларини синаш, иқлимлаштириш, янги навларни яратиш, ғўзани парвариш қилиш агротехикасини ўрганиш;

2. Ғўза ва тола берувчи бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш агротехикасини ўрганиш;

3. Қишлоқ хўжалиги экинларини ўғитларга бўлган талаби, ўғитлаш меъёрлари ва муддатларини аниқлаш;

4. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш;

5. Ун, қандолат маҳсулотлари берадиган ва илдизмевали қишлоқ хўжалик экинларини ўрганиш, танлаш ҳамда уларнинг парваришлаш агротехикасини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида 1903 йилга қадар 1 та тажриба станцияси ва 3 та тажриба даласи (шундан иккитаси ҳозирги Ўзбекистон худудида, биттаси ҳозирги Туркменистон Республикасининг Ашхабод шаҳрида) мавжуд бўлган. 1915 йилга келиб эса, Туркистон ўлкасида тажриба станциялари сони 4 тага, тажриба далалари сони 5 тага етган.

Туркистон ўлкасида йилдан-йилга пахта майдонларини кенгайтириб бориши соҳада пахта уруғчилиги масаласини келтириб чиқаради. Чунки, бу даврга келиб, юқори пахта ҳосили берадиган, толасининг сифати жаҳон пахта бозорларида сотилаётган толалардан қолишмайдиган Америка ғўза навларидан баъзи бирлари иқлимлаштириб бўлинган, Ўрта Осиё тупроқ ва иқлим шароитларига мос навлар танлаб олинган эди. Мазкур навлар майдонини кенгайтириш учун албатта ушбу навларнинг уруғлари талаб қилинар эди. Шундан келиб чиқиб, 1905-1915 йиллар орасида Туркистон ўлкасининг турли худудларида пахта уруғчилиги плантациялари ташкил этилди.

Минтақаларда 1914 йилгача 15 та уруғ етиштириш хўжаликлари бўлиб, улар ҳар йили фақат 18-20 минг пуд (295-328

тонна) яхшиланган пахта уруғларини етказиб берарди. Ваҳоланки, ўша пайтдаги пахта уруғларига бўлган талаб 2 млн. пуддан (32800 тонна) ортиқни ташкил қилар эди.

С.В.Понятковский томонидан 1914 йилда энг яхши навларнинг уруғларини кўпайтириш учун алоҳида хўжаликлар гуруҳини ва бутун қишлоқ жамоасини жалб қилишни, шунингдек мазкур хўжаликларда етиштирилган пахта хом-ашёсини пахта заводларида махсус шартномалар асосида қайта ишлашни назарда тутадиган бир қатор тадбирлар таклиф этилган.

1924 йилда ғўза навларининг уруғларини кўпайтириш учун давлат уруғчилик хўжаликларининг махсус трести "Семхлопок" ташкил қилинди ва у кейинчалик 1931 йилда "Совхозхлопок" тарзида қайта ташкил этилган. 1931 йилда селекция-уруғчилик ишлари қайта кўриб чиқилиб, мавжуд уруғчилик хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ўрнига районлашган ғўза навларининг биринчи авлод уруғларидан қайта ишлаб чиқариш учун колхоз ва совхозларда элита-уруғчилик хўжаликлари тармоғи ташкил қилинган. Шундай плантациялардан дастлабқилари Мирзачўл (Голодная степь) пахта тажриба даласига қарашли Қоплонбек ва Малик чўлида ташкил этилган пахта уруғчилиги далалари бўлиб, бунда уруғчилик ишлари 350 десятина (381 гектар) майдонда олиб борилган. Самарқанд вилоятида эса вилоятнинг Саратен, Челақ, Жиззах, Полвон-ариқ, Янги-кўрғон, Янги-қозонарик уездларида, жами 225 десятина (245 гектар) майдонда уруғчилик ишлари билан шуғулланилган. Фарғона водийсида ташкил этилган пахта уруғчилиги далалари майдони юқорида келтирилган пахта

уруғчилик далаларига нисбатан каттароқ бўлган. Шулардан бири 1913 йилда ташкил этилган Фарғона тажриба станциясига қарашли Пахтали-кўл уездида жойлашган уруғчилик далалари, бундан ташқари, Қизил-Ровот уездида жойлашган далалар ҳамда кейинроқ ташкил этилган Ултарма, Аим ва Жалолобод уруғчилик далалари мавжуд бўлган [6].

А.Э.Эгамбердиев., Ш.И.Ибрагимов., А.Б.Амантурдиевларнинг [12] маълумотида кўра, 1900 йилда ташкил қилинган Андижон ва Мирзачўл пахта тажриба далалари 1912-1913 йилларда тажриба станцияларига айлантирилган. Шунингдек, 1913 йилда Фарғона водийсининг Наманган уездида (Наманган шаҳри ёнида) Фарғона тажриба станцияси ташкил этилган.

Ғўза ўсимлиги устида илмий асосланган селекция ишлари 1909-1910 йилларда бошланган. Бунда Туркистон тажриба станциясида Р.Р.Шредер, Мирзачўл тажриба станциясида М.М.Бушуев ва Г.С.Зайцев, Андижон тажриба станциясида Е.Л.Навроцкийлар фаолият олиб боришган.

Юқорида келтирилган далиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, сиёсий вазият ўзгарганига қадар (1917 йилгача) Туркистон ўлкасида пахтачилик соҳаси ва илмини ривожлантириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилган, асосийси бир қатор ўша замонга мос ютуқлар ҳам қўлга киритилган эди.

## ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ

1917 йилда Чор Россияси ҳукуматининг ағдарилиши ва давлат тепасига Шўролар ҳукуматининг келиши барча соҳаларда жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Шу нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалигида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлиб, ушбу ҳолат пахтачилик илмини ҳам четлаб ўтмади.

Манбаларда [12] келтирилишича, 1922 йилда Бутуниттифоқ халқ хўжалигининг Бош пахтачилик қўмитаси томонидан Фарғона селекция станцияси негизида Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида Туркистон селекция станцияси ташкил қилинди. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишлари устида илмий ишлар олиб бориш ушбу станция зиммасига юклатилди.

Ғўза селекциясида дастлабки навлар Туркистон тажриба станциясида Г.С.Зайцев томонидан “Кинг” навидан танлаб олинган “1306-Шредер” нави, Андижон тажриба станциясида Е.Л.Навроцкий томонидан “Руссель” навидан танлаб олинган “Навроцкий” нави, Мирзачўл тажриба станциясида эса “169-Дехқон”, маҳаллий нав “Кўк чигит”дан танлаб олинган “182-Оқ Жўра” каби навлар ҳисобланади.

1924-1925 йиллар ичида Туркистон селекция станциясининг Фарғона (Пахтали-қўл), Байрам Али (Туркменистон), Урганч (Хоразм) ва Фрунзе (Қирғизистон)да филиаллари ташкил этилиб, мазкур жойларда кўп сонли тажриба станциялари, далалари ва нав синаш участкалари фаолият олиб боришган.

Манбада [13] келтирилишича, Туркистон тажриба станцияси ташкил этилганидан кейин унга Г.С.Зайцев раҳбар этиб тайинланган. Бунгача Г.С.Зайцев 1914-1918 йилларда Ўрта Осиё Мирзачўл тажриба станциясида, 1918-1919 йилларда эса Фарғона тажриба станциясида фаолият юритган. 1922-1929 йилларда мазкур тажриба станциясига раҳбарлик қилиш билан бир вақтда Бутуниттифоқ амалий ботаника институтида ғўза секциясини ҳамда Ўрта Осиё университетида пахтачилик кафедрасини бошқарган.

Ўрта Осиёда пахтачилик соҳасини янада ривожлантириш, ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишларини такомиллаштириш, пахтадан юқори ҳосил ҳамда сифатли тола олишнинг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида Собик Шўро ҳукуматининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Шундай қарорлардан бири 1929 йил 18 июлда “Пахтачилик бўйича тажриба ташкилотлари ва илмий ишларни кучайтириш ва ривожлантириш” тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, шу қарор асосида Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

Институт таркибига Марказий селекция станцияси (Собик Туркистон селекция станцияси), Марказий ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, Ўғитлар ва агро-тупроқшунослик марказий станцияси, Механизация ва ғўза агротехникаси марказий станцияси, Марказий мелиоратив тажриба станцияси, Оққовоқ марказий суғориш ва агротехника станцияси, бундан ташқари, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларидаги пахтачилик тажриба станцияларини бирлаштирган.



Бутуниттифок пахтачилик илмий тадқиқот  
институту биноси (1929 йил)



Центральная селекционная станция Всесоюзного научно-исследовательского института  
по хлопководству (Ташкент).

Бутуниттифок пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Марказий селекция  
станцияси биноси (1929 йил)



Султан Сегизбоевич Сегизбоев  
(1899-1939)

Бутуниттифок пахтачилик илмий тадқиқот  
институтининг биринчи директори  
(1930-1932 йй)



Гавриил Семенович Зайцев  
(1887-1929)

Марказий селекция станциясининг  
биринчи директори  
(1922-1929 йй)

Мазкур институтга илк бор 1930-1932 йилларда С.Сегизбоев раҳбарлик қилган.

Кейинчалик бу станциялар негизида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти (1954 йил), Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти, Туркменистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти, Тожикистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти, Озарбайжон пахтачилик институтилари ташкил қилинди.

Жумладан, 1930 йилда Марказий селекция станцияси (Собик Туркистон селекция станцияси) Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот институти таркибига ўтказилиб, 1960 йилда мазкур институтининг Ғўза ва беда селекцияси ҳамда уруғчилиги бўйича филиалига, 1965 йилдан эса шу филиал негизида Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти (кейинчалик Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти) ташкил этилган.

Бундан ташқари, Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг вилоятлардаги филиаллари йиллар давомида ташкил этиб келинган. Жумладан, институт ташкил этилгунига қадар, яъни 1924 йилда Й.Охунбобоев томонидан Фарғона вилоятининг Кува шаҳрида тажриба даласи негизида Фарғона илмий тажриба станцияси ташкил этилган. Шундан сўнг 1929 йилда Бухоро, Хоразм илмий тажриба станциялари, 1930 йилда Андижон филиали, 1954 йилда Сурхондарё илмий тажриба станцияси, 1968 йилда Қашқадарё филиали, 1972 йилда Наманган бўлими (кейинчалик 1994 йилда

Наманган филиалига айлантирилган), 1973 йилда Жиззах илмий тажриба станцияси, 1994 йилда эса Навоий филиали ташкил топган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар академиясининг 1994 йилдаги тегишли буйруғига биноан институт тассаруфидаги барча илмий тажриба станцияларига филиал мақоми берилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур институт таркибида фаолият кўрсатиб келган Сирдарё филиалининг пойдевори XIX асрнинг охириги йиллари, яъни 1897 йилда қўйилганлиги тарихий манбалардан маълум.

Республикада пахтачилик соҳасини янада ривожлантириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни кенгайтириш мақсадида ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг тегишли буйруғига асосан 1983 йилда Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот институти негизида “Пахта” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилинди. Ўша вақтда Бирлашма таркибига институтининг вилоятдаги филиаллари ҳамда илмий тажриба станциялари ва Қашқадарё вилоятида “ХХ партсъезд”, Жиззах вилоятидаги “Пахтакор” пахтачилик совхозлари кирган [14].

Ғўза уруғчилиги, янги ва истикболли навларни яратиш, юкори репродукцияли элита ва навларни сақлаб қолиш, шунингдек ғўзанинг сифатли уруғлик чигитини тайёрлаш, ғўза уруғларини саноат жиҳатидан тайёрлаш, калибрлаш, дориллаш ва сортларга ажратиш, уруғлик чигитга қўйиладиган бошқа талабларни бажариш билан шуғулланувчи пахта тозалаш заводларини ихтисослаштириш ишлари тубдан яхшилаш, дастлабки уруғчилик, янги ва истикболли



навларни синаб кўриш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва уларнинг экспериментал базалари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек уларнинг фаолиятини рағбатлантириш ҳамда якуний натижа учун жавобгарлигини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрдаги 604-сонли “Ўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти таркибида Марказий тажриба хўжалиги, Фарғона вилояти Қува туманидаги «Ўзбекистон», Қашқадарё вилояти Касби туманидаги А.Навоий, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Ҳазарбоғ», Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжаликлари киритилиб, уларга ғўзанинг янги ва истиқболли навларини яхшилаш ҳамда дастлабки уруғчилик билан шуғулланадиган тажриба хўжаликлари мақоми берилди.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти ташкил этилганидан буён институтга С.Сегизбоев (1930-1932 йй.) дан кейин қ.х.ф.д. Б.П.Страумал (1932-1939 йй.), қ.х.ф.н. А.А.Колдаев (1940-1942), ЎзФА мухбир аъзоси А.М.Мальцев (1942-1954 йй.), ВАСХНИЛ академиги С.Н.Рыжов (1954-1957 йй.), ЎзҚХФА мухбир аъзоси Н.М.Маннонов (1958-1972 йй.), қ.х.ф.д., профессор З.С.Турсунхўжаев (1961-1963 йй.), ЎзҚХФА академиги С.Х.Йўлдошев (1972-1976 йй.), ЎзҚХФА академиги А.И.Имомалиев (1976-1986 йй.), и.ф.д., профессор Р.Х.Хусанов (1986-1990 йй.), ЎзҚХФА академиги Ш.И.Ибраҳимов (1990-1995 йй.), ЎзҚХФА

мухбир аъзоси С.Р.Раҳмонқулов (1995-1998 йй.), қ.х.ф.д., профессор А.Э.Авлиёқулов (1998-1999 йй.), қ.х.ф.д., профессор Ш.Н.Нурматов (1999-2001 йй.), б.ф.д., профессор Ж.Х.Аҳмедов (2001-2010 йй.), қ.х.ф.д., профессор Ш.Ж.Тешаев (2010-2012 йй.), қ.х.ф.д., профессор Б.М.Халиков (2012-2014 йй.) лар раҳбарлик қилишган.

Бутуниттифок Пахтачилик илмий тадқиқот институти таркибидаги Ғўза ва беда селекцияси ҳамда уруғчилиги филиали (собиқ Марказий селекция станцияси) 1965 йилдан институт таркибидан чиқарилиб, шу филиал негизида Ғўза селекцияси ва Уруғчилиги илмий тадқиқот институти (кейинчалик Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти) ташкил этилганидан сўнг республикада пахтачилик соҳасини янада ривожлантириш, ғўзанинг серхосил, тола сифати юқори, табиатнинг турли экстремал шароитларига бардошли ғўза навларини яратиш, Уруғчилик ишларини такомиллаштиришда илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни кенгайтириш мақсадида 1987 йилда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг 430-сонли бўйруғига асосан “Ғўза селекцияси ва Уруғчилиги” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди ва унга бош ташкилот сифатида “Ғўза селекцияси ва уруғчилиги” илмий тадқиқот институти ҳамда Тошкент вилояти Марказий тажриба хўжалиги, Наманган вилояти “Қизил Равот”, Сурхондарё вилояти “Сурхон” тажриба хўжаликлари бириктирилди. 1990 йилда Бирлашма таркибига Тошкент вилояти “Оққўрғон” тажриба хўжалиги киритилди, 2009 йилда эса Қашқадарё ва Хоразм филиаллари ташкил этилди.

Мазкур институтга Г.С. Зайцев (1922-1929 йй.), ЎзФА мухбир аъзоси А.М.Мальцев (1930-1937 йй.), қ.х.ф.н. К.А.Высоцкий (1937-1938 йй.), В.И.Цивинский (1938-1942 йй.), ЎзФА ва ВАСХНИЛ академиги, қ.х.ф.д. С.С.Канаш (1942-1957 йй.), ЎзФА академиги, б.ф.д. А.Д.Дадабоев (1958-1959 йй.), б.ф.д. К.К.Фуломов (1959-1960 йй.), ЎзФА ва ВАСХНИЛ академиги, қ.х.ф.д. С.С.Канаш (1960-1965 йй.), ЎзҚХФА академиги, қ.х.ф.д., профессор Ш.И.Ибрагимов (1965-1976 йй.), ВАСХНИЛ академиги С.М.Мирахмедов (1976-1986 йй.), б.ф.д., профессор А.Эгамбердиев (1987-1997 йй.), қ.х.ф.н. А.Кўшалиев (1997-1998 йй.), қ.х.ф.д., профессор П.Ш.Ибрагимов (1998-2003 йй.), қ.х.ф.д. Я.А.Бабаев (2003-2004 йй.в.б.), қ.х.ф.д. А.Б.Амантурдиев (2004-2013 йй.), қ.х.ф.д., профессор Ш.Э.Шамазов (2013-2014 йй.) лар раҳбарлик қилишган.

Ўза селекциясида турли тупроқ ва иқлим шароитларига мос, экстремал шароитлар, касаллик ва зараркундаларга бардошли, толасининг сифати жаҳон андозаларига мос бўлган навларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, уруғчиликда янги стандартларни ишлаб чиқиш, уларни пахтачилик ривожланган мамлакатлар стандарти даражасига чиқариш, тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, янги яратилган навлардан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш ҳамда навларни жойлаштириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125 сонли “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори

асосида Ўзбекистон Ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти (ташқил топган йили 1922 йил), Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ташқил этилган йили 1929 йил) ҳамда Республика қишлоқ хўжалиги экинлари бирламчи уруғчилиги ва Уруғшунослик станциялари (ташқил этилган йили 1934 йил) негизида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ташқил этилди. Қарор билан институтлар таркибидаги барча филиаллар илмий тажриба станциялари мақомида қайта ташқил этилди. Айни вақтда институтнинг Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятларида илмий тажриба станциялари мавжуд.

Мазкур институт республикамизда пахтачиликни ривожлантириш бўйича Бош ташкилот ҳисобланиб, соҳа бўйича илмий тадқиқот ишларининг стратегик йўналишлари ва истиқболли мавзуларини белгилаш, соҳадаги мавжуд муҳим муаммолар бўйича илмий изланишлар ўтказишни ташқил этиш юзасидан услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, селекция ютуқларини кенг синовлардан ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинларини бирламчи уруғчилигини ривожлантириш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, пахта ва унга издош экинларни етиштириш агротехнологияларининг асосий масалаларини ҳал этишга қаратилган муҳим назарий, амалий, инновацион илмий-тадқиқотларини олиб бориш институтнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Институт ташкил этилганидан кейин институтга 2014-2018 йилларда кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор Ш.Э.Намозов раҳбарлик қилган. 2018 йилдан институтга кишлок хўжалиги фанлари доктори А.Э.Равшанов раҳбарлик қилмоқда.

XX асрнинг охири чораги ва XXI асрнинг бошланиши инсоният хотирасида табиат ва иқлимнинг глобал ўзгариши билан ёдда қоладиган бўлди. Абадий музликларнинг эриши оқибатида юзага келаётган ҳалокатли сув тошқинлари, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида аксарият дунё давлатларида курғоқчилик муаммоси пайдо бўлаётганлиги ҳозирда ҳеч кимга сир эмас.

Ижтимоий тармоқлардаги бир манбада шундай таҳлиллар келтирилади: “Ўзбекистон худуди шиддат билан чўлланишда давом этмоқда. Бу жараён йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Республиканинг жанубий, шарқий, шимолий ва борган сари ғарбий вилоятларига томон чўлланиш жараёни тезлашмоқда. Қарначўл, Мирзачўл, Шеробод, Далварзин, Қорақалпоқ чўллари чегаралари кенгайишда давом этапти. Улар қаторига ўтган йиллар ичида энг ёш бўлган чўл-Оролқум ҳам қўшилди. Оролнинг тубидан кўтарилаётган чанг ва туз 300-400 км радиусда атрофга ёғилмоқда. Ҳар дақиқада Ўзбекистоннинг 9 квадрат метр худуди чўлланиб борапти. Агар чўлланишга қарши чора-тадбирлар амалга оширилмаса, 2030-2040 йилларга бориб унумдор ерлар фақат Тошкент ва водий вилоятларидагина қолиши мумкин. Чўлланишга сабаб бўладиган омиллар қаторига ерларни нотўғри суғориш, ерларнинг ифлосланиши, саноат чиқиндилари, тош, кум ва минералларни қазиб олиш, асосийси аҳоли сонини ўсиб бориши

киради. Чунки, инсонлар кўпайган сари озиқ-овқат ва моддий бойликларга бўлган талаб ҳам ошади. Бу эса ердан кўпроқ ҳосил олишни, ерлардан керагидан ортиқ фойдаланишни англади” дейилади манбада [16].

Шу ва шунга ўхшаган бошқа қутилмаган ҳолатларнинг юзага келаётганлиги кишлок хўжалик фанида, хусусан пахтачилик илмида ҳам ислохотлар ўтказишни тақозо этмоқда. Жумладан, биргина иқлимнинг ўзгариши пахтачилик фанининг барча йўналишлари, селекция, уруғчилик ва парваришlash агротехникалари бўйича илмий ёндошувлар, усул ва услубларни шароитдан келиб чиқиб ўзгартиришни, янгилашни талаб этади. Чунки, бундан 50-60 йил муқаддам ишлаб чиқилган усул ва услублар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаяпти.

Мазкур масалаларга ўз вақтида илмий ечим топиш мақсадида институт олимлари томонидан ғўза селекцияси, уруғчилиги ҳамда ғўзани парваришlashда янги инновацион ғоялар асосида ресурстежамкор агротехнологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш устида кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

## ХОТИМА

Хурматли китобхон,

Мен мазкур илмий-тарихий китобни камчиликлардан холи, тўлиқ ва мукамал асар деб аташдан йироқман. Зеро, мазкур китоб бир қатор хато ва камчиликлардан, турли саволлар келтириб чиқарадиган фикрлар, тушунчалар ва рақамлардан холи бўлмаса керак. Шунга қарамай пахтачилик илми ва соҳасини шонли тарихини архив материаллари асосида баён этишга жазм этдим. Бу ҳаракатларимнинг баҳоси ва самараси қандай бўлди, бу энди сиз азиз китобхонларнинг ҳукмингизга ҳавола.

“Тарих инсоннинг келажagini белгилайди”, “Тарихини билмаган ўзлигини билмайди” каби халқимизнинг мақоллари мавжудлиги кўпчиликка маълум. Ҳақиқатан ҳам инсон ўз тарихини билиши унинг ўзлигини англатади, юртга, ота-онага бўлган муҳаббатини оширади. Шундан келиб чиқибми, менга ота-онамдан кейин таълим ва тарбия берган, ҳаётимда бутун бир мактаб вазифасини ўтаган, ҳаётни паст ва баландликларини ўргатган ҳаётдаги ҳамроҳим ва устозим бўлиб қолган мазкур институт, унинг тарихи тўғрисида қисқа бўлсада қоғоз қоралашни ният қилдим. Гарчи, илгаридан институт тарихи тўғрисида маълумотлар бўлсада, улар турли манбаларда қисқа ва турлича, баъзи ҳолларда бир-бирини инкор этувчи маълумотлар бўлиб, ўқувчининг институт тарихи тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш имкони бироз чегараланган эди.

Шуларни ҳисобга олиб, қатга маъсулият остида мазкур китобни ёзиш учун тарихий материаллар тўплашга, тўпланиб қолган

материалларни таҳлил қилишга ва таҳлилларни китоб шаклига келтиришга киришдим. Тарихий материалларни ўқир эканман, пахтачилик илми ва фани бугунги даражага етгунига қадар унга қўйилган дастлабки қадамлар жуда оғир, машаққатли, шу билан бирга залворли бўлганлиги, халқимизни меҳнатсевар, иродали, сабрли, камтарин, айниқса, илмга чанқоқ эканлигини яна бир бор қалбимдан чуқур ҳис этдим. Чунки, ўша даврларда (1860-1930 йиллар) пахтачилик соҳаси ва илмида амалга оширилган барча ишлар халқимизнинг хошиш-иродаси ва сабр-матонати билангина амалга оширилган.


Мазкур илмий тарихий китоб ёзилиши мўлжалланган уч китобнинг биринчиси бўлиб, бу китобда юқорида қайд этиб ўтилганидек, пахтачилик соҳаси ва илми бўйича 1860-1930 йиллар оралиғида пахтачилик соҳаси ва илмида бўлиб ўтган воқелик ва амалий ишлар ўз аксини топган. Ниятлар амалга ошса, иккинчи китобда 1930-1991 йилларда (мустикал бўлгунимизга қадар), учинчи китобда 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар (мустикаллик йилларида) пахтачилик илми бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида сўз юритилади.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Тошкент ш., 2019 й, 23 октябрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016 йил, 54 бет.
3. Mirziyoyev Sh. M. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. "O'zbekiston" Toshkent, 2022 yil, 416 bet.
4. Вилькинс. А. “Краткая сведения о результатах культуры на Ташкентской Опытной хлопковой плантации”. Ташкент, Типо-Литография Лахтина, 1892, 20 с.
5. Зиёев. Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. Тошкент, 2000 й. Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 120-260 бетлар.
6. Курс лекций по хлопковой промышленности, прочитанных на организованных Туркестанским Хлопковым Комитетом (ныне Р.Туркес. Акц. Об-во) первых в Ташкенте курсах для подготовки сотрудников из среды коренного населения. Типография «Советский Восток», Ташкент, 1924, с.32.
7. Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. С.П. 1892, с.19.
8. Масальский В.И. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предприимчивость. С-

- Петербург. Типография М.М.Стасюлевича, Вас.остр. 5 лин, 28., 1908. 4-5.с.
9. Федоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. Доклад Общему Тарифному Съезду представителей русских железных дорог. С.Петербург. Типография П.О.Яблонского. Пер. Лештуков, 13. 1898, 10-11 с.
  10. Халиков Б.М., Ф.Б.Намозов. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент, “Ноширлик ёғдуси”, 2016 йил, 10 бет.
  11. Шлейхер А.И. «Пахтачилик», I -қисм, Тошкент, «Ўздавнашр», 1958 й, 3-5 бетлар.
  12. Эгамбердиев А.Э., Ибрагимов Ш.И., Амантурдиев А.Б. Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва биологияси. Ўзбекистон Республикаси ҒА “Ған” нашриёти, 2009 йил, 7 бет.
  13. Энциклопедия «Хлопководства», в двух томах. Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии, Тошкент, 1985, 7-10 с.
  14. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/paxtachilik-instituti-uz/>.
  15. <https://www.uzpaxta.uz/>.
  16. <https://www.kun.uz>. 24 июн, 2021 й.

**XX-АСРНИНГ БОШЛАРИ ВА 30-ЙИЛЛАРИГА  
ҚАДАР ПАХТАЧИЛИҚДА ИШЛАТИЛГАН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИНГ  
ФОТО ЛАВҲАЛАРИ**




Ер ҳайдаш тракторининг умумий кўриниши



Ер ҳайдаш тракторининг ён томондан кўриниши



Дискали плуг (Оливер)




Ер хайдаш мосламаси



Ерни омоч ёрдамида шудгор килиш




Чизель культиватор



Подготовка земли  
в парниках

Ерни экишга тайёрлаш жараёни (чизеллаш)



Коллифер

Чизель культиватор для  
глубокого рыхления почвы после  
вспашки

Тупрокка чуқур ишлов бериш чизель культиватори



Увлажнение в кучах семян, централизованно  
протравленных препаратами  
НИУФ-4 и НИУФ-11

Чигитни экишга тайёрлаш жараёни (чигитни дорилаш)



Земляки в поле

Чигитни экишга тайёрлаш жараёни (чигитни намлаш)






4 қаторли чигит экиш сеялкаси



Қушқатор экадиган сеялка



Колхозчилар чигит экишга тайёрлаиб, колхоз агрономи Т. Шоммулов раҳбарлигида (қандай биринчи) дорилаш машинасида чигитни формалин билан дорилamoқдалар.

Готовясь к севу хлопчатника, колхозники под руководством своего агронома Т. Шаммулова (первый слева), на протравочной машине проводят протравку хлопковых семян формалином.

Тайёрланган чигитларни тарқатиш жараёни




Чигит экиш жараёни




СУГНОЕ  
ПРОРЕЖИВАНИЕ.

Кўлда чопик ва ягона қилиш



Культиватор Вима  
№ 3

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш культиватори



Культиватор Вима №3  
Общий вид с боку

Культиваторнинг ён томондан кўриниши



Культиватор Вима №3 сзади.

Культиваторнинг орқа томондан кўриниши




Продольная  
Фарма

Ғуза катор орасига ишлов бериш жарайни



Поперечное  
Прорезывание

Ғузага кундалангига ишлов бериш



Автомат для обработки  
бумажных стаканчиков  
Хрусталева

Чигит экиш учун қоғоз стаканчалар тайёрлайдиган мослама



Бумажные стаканчики после посева

Чигит экилган қоғозли стаканчалар




Засыпка  
стаканчиков песком  
после посева

Чигит экилган стаканчаларни кум билан тўлдириш



Посев семян в парник  
через грохот

Парникларда чигит экиш жараёни



Посадочная машина Мастеева

Кўчат экиш машинаси



Машина ПХ-4 в работе

Кўчат экиш машинаси иш жараёнида



Приспособление к трактору  
Плуга для работы в распах

Кучат экиш машинаси ташқи томондан кўриниши



Посадочная машина ПХа. Общий вид

Кучат экиш машинаси умумий кўриниши



Кучат экиш машинаси ён томондан кўриниши




Кучат экиш машинаси




Последняя машина ПХЗ  
Переделанная Группой.

Кучат экадиган машина иш жараёнида




Молок Васаженной Весной  
С Котом Земли

Ғузада фенологик кузатувлар



Карневая Система Шлоп Батини

Ғузаннинг илдиз тизимини кўринаши




Вакуумли пахта териш машиниси (умумий кўринаши)




Вакуумная машина на 4х  
колесном пропашнике

Вакуумли пахта териш машинаси (умумий кўриниши)



На повороте  
вакуумной машины

Вакуумли пахта териш машинаси (олд томондан кўриниши)



Вакуумная машина Первомайского завода 1931

Вакуумли пахта териш машинаси (ён томондан кўриниши)




Вакуумли пахта териш машинасида пахтани териш жараёни



МАШИНА ЗАБОРА ЦЕЛЛЮЗНОГО ВЕЩЕСТВА  
1959 г. ВЫПУСК

Вакуумли пахта териш машинасида пахтани териш жараёни




Вид  
ОТКРЫТОГО  
БАЛОНА.

Вакуумли пахта териш машинасида терилган пахта



Группа  
КУРСАНТОВ

Талабалар гурухи



Шпиндельная Машина  
Висюма ил Свора.

Шпинделли пахта териш машинаси






Шпинделли пахта териш машинаси (олд томондан кўриниши)



Шпинделли пахта териш машинаси (орқа томондан кўриниши)




Машинада пахта териш жараёни



Шпинделли пахта териш машинасида терилган пахта



Машинада терилган пахта



Пахта териш машинаси



Шпинделли пахта териш машинасида терилган пахта



Шпинделли машинада терилган ғўза қатори



Мутахасислар кўриги



Тўкилиб қолган (подбор) пахтани териш мосламаси



Тўкилиб қолган (подбор) пахтани териш жараёни




Тўкилиб қолган (подбор) пахтани териш жараёни




33-рядный следов Цыганкова

Тўкилиб қолган (подбор) пахтани териш жараёни



Передвижной борохосистипте ль общий вид

Пахтани кўсакдан ажратадиган мосламани умумий кўриниши



Пахтани кўсакдан ажратиб оладиган машинани орқа томондан кўриниши



Пахтани кўсакдан ажратадиган машинани ён томондан кўриниши



СЛЕДИНГ ПЛОНЕРКА  
Д КАРОВОМ

Кўсак териш машинаси



Америкада  
919-3870-0000

Ўзапояни ўриб олиш мосламаси

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Мустақиллик йилларида пахтачилик илмида амалга оширилган ишлар.....	7
Туркистон ўлкасида пахтачилик соҳасининг ривожланиши.....	21
Туркистон ўлкасида пахтачилик илм-фанга ташланган дастлабки қадамлар.....	91
Туркистон ўлкасининг пахтачилик илмида янги даврнинг бошланиши.....	106
Хотима.....	118
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	120
XX-асрнинг бошлари ва 30-йилларига қадар пахтачиликда ишлатилган қишлоқ хўжалик техникаларининг фото лавҳалари.....	122

Б. М. ХАЛИКОВ

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ

Илмий-тарихий китоб

(1860-1930 йй.)


Биринчи китоб

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«FAN ZIYOSI» нашриётига  
2021 йил 14 февралда берилган 308197041-сонли лицензияси  
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, А.Навоний кўчаси. 30 уй.


Офсет қоғози. Бичими 60 x 84. 1/16  
Шартли босма табоғи -9,75 Times гарнитураси.  
Буюртма № 36. Адади 100 нусхада  
«MUNIS DESIGN GROUP» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100000 Тошкент ш., Буз-2 мавзе, 17-А уй.



Халиков Баҳодир Мейликович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти лаборатория мудир. 15 та монография ва ўқув қўлланмалар, 500 дан ортиқ илмий нашрлар муаллифи.



ISBN 978-9943-747-74-6



9 789943 747746